Масофавий ўқитишида турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилди, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиши воситалари (ўқув қўлланма, дарслеклар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниши талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиши имконини беради.

Юқоридагиларга асосланиб, таълим жараёнида айни вақтда қайта-қайта тилга олинаётган айрим терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз.

Масофавий таълим - масофавий ўқитишига асосланган таълим.

Масофавий ўқитиши – ўзаро маълум бир масофада Интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари – мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар ва ўқитиши усулларига асосланган талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат.

Масофавий ўқитиши тизими – масофавий ўқитиши шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиши тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиши тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

Масофавий ўқитишининг педагогик технологиялари – танланган ўқитиши концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиши методи ва услублар мажмуаси.

Кейс-технология – масофавий ўқитиши ташкил қилишнинг шундай услугики, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кейс) ўқув услугбий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади.

ТВ-технология – масофавий ўқитиши ташкил қилишнинг шундай услугики, у талабаларга ўқув-методик маълумотларни телевидение воситаси ёрдамида етказишга хизмат қиласи ва ташки алоқали ихтиёрий интерактив усуллардан бирин билан ўрнатишга асосланади.

Масофавий ўқитишининг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қўйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);
- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;
- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;
- таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;
- таълимда қўлланиладиган анъаналари;
- масофавий ўқитиши тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Асосий таърифлар

Масофавий ўқитиши – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиши воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

Масофавий ўқиши – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизими. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равищда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиши жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи маҳсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини қўрсатувчи таълим мажмуаидир.

Масофавий ўқитиши тизими – масофавий ўқитиши шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиши тизими. Барча таълим тизимлари сингари

масофавий ўқитиши тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга[1].

Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арzonлиги, вакт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).
- Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.
- Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.
- Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишига эҳтиёж борлигини кўрсатади. Умуман олганда масофавий таълимнинг мақсадига қуйидагилар киради:

□ Мамлакат миқёсидаги барча ҳудудлар ва чет элдаги барча ўқувчилар, талabalар, таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

□ Етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълим бериш потенциалларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш.

□ Асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равища қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

□ Таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини кенгайтириш.

□ Узлуксиз таълим имкониятларини яратиш.

□ Таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципал таълим даражасини таъминлаш.

Юқоридагиларни хulosса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий таълим комплексини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Республика миқёсидаги барча Олий таълим масканлари (ОТМ) компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари билан яхши таъминланган. Уларнинг барчаси Интернет тармоғига уланганлар. Ушбу технологияларни таълим тизимига кенг жорий этиш ОТМлари олдига қўйилган кўп муаммоларни ўз пайтида хал этишга ёрдам беради.

Масофадан ўқитиш тизимлари муаммолари

Таълим соҳасига мўлжалланган компьютер воситаларини қуидаги турларга бўлиш мумкин: умумий фойдаланишга мўлжалланган хизматчи дастурий воситалар, ўрганувчилар билим ва кўникмаларини текширувчи дастурий воситалар, электрон тренажерлар, математик ва имитацион моделлаштиришга мўлжалланган дастурий воситалар, виртуал лаборатория дастурий воситалари, маълумот-қидирав тизимлари, автоматлаштирилган ўқитиш тизимлари, электрон дарсликлар, экспертли ўқитиш тизимлари, ақлий (интеллектуал) ўқитиш тизимлари, автоматлаштирилган касбий фаолият воситалари (ишлаб чиқариш тизимлари ёки уларнинг ўқитиш воситалари).

Компьютер технологиялари асосидаги масофавий ўқитиш (МЎ) техник инфратузилмага асосланган бўлиб, қуидагилардан иборат: компьютер (ўкув маълумотини жойлаштириш ва намойиш қилиш воситаси сифатида) ва компьютер тармоғи (ўкув маълумотидан фойдаланиш имконини берувчи восита сифатида). Ҳозирги пайтда яратилаётган масофадан ўқитиш тизимлари бир қанча тамойилларга асосланади. Бу тамойилларга қуидагиларни киритиш мумкин: ўкув материалининг тарқалиши тамойили, ўкув материалининг интерактивлиги тамойили, ўкув материалининг мультимедиавий тасвирланиши тамойили, ўкув материалининг ўрганувчи шахсий хусусиятларига мослашувчанлиги тамойили ва ҳ.к. Ахборот ўкув манбаларини икки гурухга бўлишимиз мумкин: ўрганувчи компьютерида мавжуд бўлган (локал компонентлар) ва ўкув маркази компьютерида жойлашган (тармоқ компонентлари) ўкув манбалари.

Масофавий ўқитишни ташкил қилиш ва юритишида асосан қуидаги муаммоларга дуч келинади:

- МЎ инфратузилмаси
- Телемоммуникация каналлари сифати
- Анъанавий курсларни электрон шаклга ўтказиш
- Ўқитувчиларни қаршилиги
- Индивидуал мулокотни йўқотиш
- Виртуал таълимнинг мусаффолиги
- Интелектуал мулк билан боғлиқ саволлар
- Масофавий курс сифатини баҳолаш қийинчиликлари
- Психологик муаммолар
- Меъёрий-хуқукий асослар

Ҳозирги вақтда Олий ўкув юртларида (ОЎЮ) МЎ курсларини яратиш билан шуғулланувчи мутахассислар курсни яратиш процедурасини енгиллаштирувчи ва кўп сонли талабаларни ўқитиш имкониятини берувчи дастурий воситалар ускунасини танлаш муаммоси билан дуч келинмоқда.

Аксарият электрон нашрларда материалларни HTML тили (ёки XML) ёрдамида яратилмоқда. Бунда қўшимча равища Java ва бошқа тилларда online тестлари, интерактив сўров шакллари, анимация, веб-форум ва чатлар ҳам яратилмоқда. Бундай қўл меҳнати ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Ижобий томони – бу курс интерфейси соддалиги, веб-саҳифанинг юқори тезликда юкланиши, шрифт ва стилларни танлаш, веб-ўқув материали ёки фойдаланувчидағи мавжуд маълумотлар матнини таҳрирлашда қулайлик туғдирса, салбий томонларига бунақа курсларни яратиш учун кўп меҳнат сарфланиши, курс саҳифасидаги материалларни янгилаш, таҳрирлашдаги ноқулайликлар, дизайннинг кўримсизлиги, битта курс бўйича унинг интерактивлигини ошириш учун – чат-серверлар, веб-форумлар, онлайнли кутубхона тизими ва турли маълумотлар базасидан фойдаланиш зарурлигини келтириш мумкин.

Кейинги пайтларда касбий даражадаги МЎ курсларини яратиш бўйича интеграллаштирилган ускунавий дастурий қобиқлар кўплаб яратилмоқда. Улар масофавий курсларни юритишда қўйидаги модулларни ўз ичига олади:

- **ускунавий модул** – веб-саҳифа, тест, сўровлар яратиш воситалари, турли курс элементларининг бир-бири билан боғланиши ва бошқалар;
- **интерактив модул** – чат, веб-форумлар, курснинг ички электрон почтаси, эълонлар доскаси, индивидуал саҳифалар;
- **бошқарувчи модул** – ўрганувчилар бўйича маълумотлар базаси, ўрганувчилар фаоллигини кузатиш воситалари, уларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш маълумотлар базаси ва бошқалар;
- **намойиш қилиш модули** – ўрганувчилар фойдаланиладиган веб-ўқув материали;
- **архив модул ёки курс медиатекаси** – ўрганувчи ўқув мақсадида кўллаши мумкин бўлган матнлар, расмлар, анимацион, видео- ва аудио- файллар ва шу каби материаллар коллекцияси.

Аксарият қобиқларда ўқитувчи ёки курс яратувчиси ёки ўрганувчилар учун ҳар хил рухсат даражалари ва албатта интерфейслар ўрнатилади. Масалан, ўрганувчи фаолият жараёнида ўқитувчи, администратор ва курс яратувчиси учун рухсат берилган ускунавий ва административ модулни “кўрмайди”.

Хозирги пайтдаги курс яратиш қобиқлари юксак мураккабликка эга. Мураккабликни танлашда қобиқ нафақат хозирги олий ўқув юртлари ва МЎ курсини юритиш талабларига жавоб бериши, балки кейинчалик МЎ тизимининг ҳам сон жиҳатдан (ўқитиш ҳажмининг кенглиги, ўқув курсларининг кўплиги), ҳам сифат жиҳатдан (курслар интерактивлиги ошиши, ўқитиш технологияси ва методикасининг ҳамкорликда, кичик

гурухларда ва бошқаларда қўллаб-қувватланиши) ривожланишига ҳам таъсир қилиши лозим.

Куйида биз олий ўкув юрти ходими ёки дастурчиси МЎ курсини яратишида ускунавий дастурий воситаларни танлашда юзага келадиган баъзи муаммоларни келтириб ўтамиз: Олий ўкув юртининг иқтисодий имкониятлари, МЎ дастурий воситаларини жорий қилишда қандай воситалар режалаштирилган, яъни, МЎ курсининг айни пайтда ва кейинчалик техник кузатуви учун режалаштирилган бюджет тақсимоти қандай? Яратилаётган қобиқ қанча ўрганувчига (талабага) мўлжалланган? Аниқ бир сондаги ўрганувчиларга мўлжалланган ёки ўрганувчилар сони чекланмаган қобиқларни лицензияси билан бирга сотиб олинишига талаб қандай? Курс фойдаланувчиси, ўқитувчи, администратори иш жойини ташкил қилишдаги мавжуд минимал техник талаблар даражаси қанаقا? Университет МЎ марказида керакли ускуналар - сервер, Интернетга чиқиш каналлари, дастурий таъминотлар учун мавжуд минимал ва максимал талаблар таъминланганми? Тузилган қобиқ Ўзбекистон ва хорижнинг етакчи Олий ўкув юртларида қўлланилаётган бошқа дастурлар билан мос тушиши, қабул қилинган халқаро меъёрларга тўғри келадими? Ушбу қобиқ қайси тилда тузилган? Фойдаланувчи учун қўлланма, фойдаланувчининг ёрдам ойнаси ва бошқалар мавжудми? Ушбу қобиқ ёрдамида ўкув жараёнини бошқариш мумкинми? Дастурда “электрон деканат”, “электрон бухгалтерия” вазифалари мавжудми? Ушбу тизим билан ишлашда керак бўладиган МЎ маркази ходимлари сони, тизимни ўрганиш ва қайта ишга тушириш қийинлиги ёки буни тармоқ администратори билимiga эга бўлган ҳар қандай ходим амалга ошира оладими? Ушбу қобиқдан фойдаланиш мобайнида МЎ курсларининг янги модел ва кўринишларини ривожлантириш мумкинми? Ўкув курсига ушбу қобиқ асосида тузилган мультимедиавий компонентлар ва тасвирий иллюстрацияларни қўшиш имконияти борми? Қобиқда ўқитувчи ва ўкувчи ўртасида алоқа ўрнатишни ташкил қилиш: ички электрон почта, эълонлар тахтаси, чат (виртуаль синфлар), веб-форумлардан фойдаланиш мумкинми? Қобиқда ўқитувчи ва талаба ўзини енгил ҳис қилиши, содда ва дўстона фойдаланиш интерфейси мавжудми?

Масофавий ўқитиши тизимини яратишида учрайдиган муаммолардан яна бири бу тизимда ўқитувчи ва ўкувчи ўзини эркин ҳис қилиши учун кенг имкониятнинг мавжудлигидир. Маълумки масофадан ўқитиши тизимининг ўқитувчи ва ўкувчи учун фойдаланиш интерфейси турлича ташкил қилинади. Шундай экан, ўкувчи интерфейси фақат вазифалар ойнасидан иборат бўлмасдан, мустақил фикр, мунозаралар ойнаси, ички чат, электрон хабар алмашиш, савол-жавоб каби имкониятлар ҳам киритилиши лозим. Ўқитувчи

ҳам ўзига бириктирилган ўқувчилар билан иш юритишида кенг имкониятларнинг мавжуд бўлиши тизимнинг ютуғи ҳисобланади.

Масофавий таълим тизимида ўқитишни олиб борища янги ахборот технологиялари (ЯАТ) воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу борада МЎ курси ўқитувчисига ўқитишни олиб борища янги ахборот технологияларидан фойдаланишдаги билим ва қўникмаларига қўйиладиган талаблар мавжуд бўлиб, бу талабларни қўйидагича изоҳлаш мумкин: шахсий компьютер ва унинг қўшимча қурилмаларининг ишлаш тамойилларини билиши, замонавий дастурӣ таъминотлар (камида MS Word матн муҳаррири, намойиш яратувчи MS Power Point дастурӣ ва бошқа MS Office пакетидаги стандарт дастурлар) билан ишлай олиши, Интернет тармоғи ва дастурӣ таъминоти (камида, MS Explorer веб-браузери ва MS Outlook Express электрон почта дастури)нинг асосий ишлаш тамойилларини билиши, ўқитишда ЯАТ воситаларидан фойдаланиш муаммолари бўйича методик материаллар ва илмий адабиётларга эгалиги, ўқув жараёнини бошқаришда компьютердан фойдаланиш имкониятларини тушуниши ва шу кабилар. Бундан ташқари бундай талабларга қўйидагиларни ҳам қўшимча сифатида киритиш мумкин: дастурӣ таъминотни дидактик имкониятлари нуқтаи-назаридан анализ қила олиш, ЯАТ воситаларидан фойдаланишда талabalар билан машғулотлар ўтказиш ва уни ташкил қилиш услубиятини юритиш, Интернет, турли электрон маълумотлар, маълумотлар базаси, ахборот-қидирув тизимлари, луғатлардан мустақил равишида керакли маълумотлар қидира олиш, маълумот сақланиши, уни таҳлил қилиш ва уни тасвирлашда мос шаклларни танлашни ташкил қила олиш, қўйилган топшириқни ечиш учун олинган маълумотни ишлата олиш ва шу каби масофавий курс ўқитувчисига қўйиладиган талабларни масофавий таълим тизимини ташкил қилишнинг муҳим муаммолари сифатида қараш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган талабларга ахборот-телекоммуникация воситалари билан ишлашда маҳсус билим ва тажрибаларни ҳам қўшиш мумкин. Бундай талаблар турли Интернет хизматлари – электрон почта, телеконференция ва бошқалар билан ишлаш, аниқроғи, фойдаланувчиларнинг Интернетда ўзаро алоқа қилишлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Масофавий ўқув курси ўқитувчининг Интернет технологиялари соҳасидаги маҳсус билим ва қўникмалари қўйидаги талабларга жавоб бериши зарур: телекоммуникация тизимлари вазифаларининг асосий қўриниш ва умумий тамойилларини билиши, Интернетга турли даражада уланиш имконияти ҳақида тушунчага эга бўлиши, телеконференцияни ўтказиш ва ташкил қилишни билиши, телекоммуникация этикетига эга бўлиши, бошқа фойдаланувчилар билан маълумот алмашиш учун турли

телекоммуникация воситалари (электрон почта, телеконференция, аниқ бир вақтда алоқа ўрнатиш (чат) ва бошқалар) дан фойдалана олиши, тармоқда маълумотни “намойиш қилиш” малакасига эга бўлиши, тармоқ маълумот манбалари билан ишлай олиши, масофадан ўқитиш нашрларини тузишда кўлланиладиган ускунавий дастурий воситалар ҳақида тушунчага эга бўлиши, электрон почта билан ишлай олиши, тармоқдаги бошқа фойдаланувчилар билан мунозара ўрната олиши, замонавий гиперматнли ва гипермедиавий тизимлар билан ишлай олиши, Интернетдаги мавжуд ахборот манбалардан ўқитиш мақсадига мос келувчи маълумотларни қидириб, танлай олиши, турли амалий дастурлар (матн таҳрирчилари, график, HTML таҳрирчилари) ва айрим утилиталар (архиваторлар, кодловчи дастурлар ва бошқалар) ёрдамида тармоқ бўйлаб маълумот юборишни билиши ва шу кабилар.

Масофавий таълимда юзага келадиган муаммолардан яна бири бу ўқув материалининг фойдаланувчи учун мослашувчан бўлишидир. Ўқув жараёни самарасини кўтаришда ўрганувчи имкониятларига мослашувчан ўқув материалларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бунда ўқув материалида 2-Д, 3-Д тасвирлар, изоҳ, кўрсатма, тақдимотлардан ташқари видео, аудио маълумотлардан фойдаланиш назарда тутилади.

Юқорида келтирилган масофавий ўқитиш тизимини ташкил қилиш борасидаги масъул ходимлар, дастурчилар, масофавий курс ўқитувчиларига кўйиладиган талаблар тизимни ташкил қилишда муҳим муаммолардан бири сифатида қаралади. Биз бу бўлимда масофавий ўқитиш тизимини ташкил қилишда дуч келадиган ва ечилиши лозим бўлган муаммоларнинг асосийларини кўриб чиқдик. Бу борада мавжуд бўлган муаммолар жуда кўп. Масалан, техник (компьютер ва техник қурилмалар, алоқа каналлари билан таъминлаш) , ташкилотчилик (юқори малакали бошқарувчи, ўқитувчилар, мутахассислар билан таъминлаш) ва услубий (кўргазмали қуроллар, маъruzалар матни, мультимедиа, анимация, тест маълумотлари билан таъминлаш) жиҳатдан муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади.

Бундай муаммолар тўлиқ ҳал этилгандагина тизимни масофавий таълим соҳасида самарали ўқитиш тизими сифатида амалда қўллаш мумкин.

Ўқув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга кўйиладиган техник ва дастурий талаблар

Масофавий таълим (МТ) жараёнини ташкиллаштиришнинг илмий-педагогик талаблари қўп адабиётларда баён қилинган. Хусусан, бу мавзуга оид [1,2,3]. Таҳлил қилинган адабиётларнинг кўрсатиши, масофавий таълим

жараёнини ташкиллаштиришнинг техник ва дастурий талаблари тўлиқ баён қилинмаган.

МТ жараёнини амалга оширишда қўйида кўрсатилган босқичлар асосида амалга ошириш мумкин:

- 1-босқич: Таҳлил
- 2-босқич: Лойиҳалаштириш
- 3-босқич: Жорий қилиш
- 4-босқич: Ўқув контентларини яратиш
- 5-босқич: Ишга тушириш
- 6-босқич: Ривожлантириш

1-босқичда ўқув муассасининг масофавий таълим жараёнига бўлган эҳтиёжлари, таълим жараёнида қатнашаётган фойдаланувчиларнинг сони, ўқитиши усууллари ва шакллари, лойиҳани амалга оширишда керак бўладиган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади.

2-босқичда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқ лойиҳалаштирилади.

3-босқичда эса танланган масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмууа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга тегишли домен танланади. Масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуасидан фойдаланиш ва унга техник қўллаб қувватлошли ишчи ходимларни ўргатиш бўйича ўқув машғулотлар ташкиллаштирилади.

4-босқичда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлмиш ўқув контентлар ўқув бўлими ва соҳа мутахасислари билан ҳамкорликда яратилади. Яратилган ўқув контентлар эксперталар томонидан текширилади.

5-босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади. Таълим жараёнида ўқув жараёни доийми назоратда бўлиб туради. Тизимдаги ҳавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади.

6-босқичда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади.

2- ва 3- босқичлар ўртасида амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлигича қўшимча маълумот.

4. Web-хостинг хизматини танлаш.

Web-хостинг хизматини танлашлаш биз UZINFOCOM Марказининг технологик майдончасидан фойдаланишини тавсия этамиз [14].

UZINFOCOM Марказининг технологик майдончаси миллий фойдаланувчилар ва биринчи навбатда, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари, ҳамда таълим ва нотижорат муассасаларига замонавий даражадаги сифатли хостинг хизматини кўрсатиш мақсадида 2006 йилда ташкил этилган. Хизматлар ахборот ҳавфсизлигини таъминлашнинг барча халқаро стандартларига тўлиқ мос равища кўрсатилади, шу билан бирга, ахборот ресурслари эгаларига ўз ресурсларини саклаш ва маълумотлар билан ишлашда максимал қулайликни таъминлайди.

Ушбу технологик майдонча шу каби комплексларга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради. Хусусан, маълумотларни саклаш ва уларнинг яхлитлигини таъминлаш, маълумотлар саклашни заҳиралаш, 24 соат давомида доимий техник хизмат кўрсатиш.

Фойдаланувчиларнинг технологик майдончада жойлаштирилган ресурслари унинг инфратузилмасидан фойдаланадилар. Ягона текширилган дастурий таъминотдан фойдаланиш эса мижозларга дастурларни яратиш заруриятидан озод этиб, уларни ахборот ресурсларини жойлаштириш ва фаолият юритиши билан боғлиқ муаммолардан ҳоли этади. Бундай комплекс ечим мижозлар учун мавжуд бўлган турли дастурний модуллардан фойдаланиш орқали ўз куч ва ресурсларини ахборот хизматларини шакллантириш ва жадаллаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, UZINFOCOM Маркази таркибидаги компьютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати UZ-CERT, технологик майдончада жойлашган ресурсларни етарли даражада ҳавфсизлигини таъминлайди.

Хозирги кунда технологик майдончада Агентлик сайти aci.uz; UZ-CERT серверлари; ZiyoNET тармоғи мосламалари, www.ziyonet.uz портали; Миллий қидирув тизими www.uz серверлари; UZ домен зонасининг юқори бўғин ўзак серверлари жойлашган. Шу билан бирга технологик майдончада 80 тадан ортиқ ташкилотларнинг сайтлари, шу қаторда давлат органларининг сайтлари, ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларнинг сайтлари ва уларнинг миқдори доимий равища ўсмоқда. Техник майдонча ускуналарининг умумий қуввати ҳозирги кунда 11 та сервер, жами частотаси 42 ГГц бўлган 14 та процессор, 26 Гбайт оператив хотира мосламаси ва 4 Тбайт бўлган диск маконидан иборат.

Веб-хостинг хизмати тарифлари¹

UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш Маркази юридик ва жисмоний шахсларга қуидаги тарифлар бўйича веб-хостинг хизматини кўрсатади:

Жадвал. Веб-хостинг хизмати тарифлари

Тариф режалари	Standart	Lux	Vip	Maxi
Изоҳ	Таснифлар			
Ойлик абонентлик тўлови (сўм)	4 000	6 000	12 000	17 000
Дискдаги умумий квота, Mb	50 гача	100 гача	250 гача	500 гача
Ойлик трафик, Mb	unlimited	unlimited	unlimited	unlimited
1 почта манзили учун квота, Mb	5	5	5	5
Почта манзиллари сони	10	20	40	80
3-даражада доменини рўйхатга олиш ва қўллаб-куватлаш	3	4	5	7
FTP орқали кириш	+	+	+	+
CGI-BIN, PERL (mod_perl)	+	+	+	+
MySQL маълумотлар омбори сони	1	1	1	1
Ойлик дискдаги квотанинг кўпайиб кетишида 1 Mb нархи (сўм)*	200	200	200	200

5. Домен олиш.

Асосий тушунчалар.

Домен - номли мезон бўйича ажратилган ва уни қўллаб-куватлаш учун жавоб берадиган ташкилотга эгалик қилиш учун тақдим этилган Интернет тармоғининг қисми;

«UZ» домени - Ўзбекистон Республикасининг мамлакат кодини ифодаловчи, маҳсус ваколатли ташкилот томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси остидаги юқори даражада домени, шу жумладан, кейинги даражаларнинг домен номлари;

Домен номи - номларнинг домен тизимига мувофиқ компьютер тармоғи узелига бириктирилган ноёб белгили ном.

Домен (ўз навбатида хостингни ҳам) олиш учун [15] ActiveCloud компанияси орқали амалга оширишни тавсия қиласиз.

Доменни рўйихатдан утказиш (хостинг) олиш шартларини [15] сайти орқали барча маълумотларни олишиниз мумкин.

Жадвал. Веб-хостинг хизмати тарифлари²

TLD зонаси	1 йилга тулов
.uz	14 \$
.kz	22 \$
.tj	22 \$
.com	27 \$
.org	27 \$
.net	27 \$
.ru	22 \$

¹ Маълумотлар 22.08.13 бўйича.

² Маълумотлар 22.08.13 бўйича

.name	25 \$
.info	23 \$
.bz	43 \$
.su	32 \$
.tw	51 \$
.uk	22 \$
.us	27 \$

**2-МАВЗУ. ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМДА ЭРКИН ВА ОЧИҚ КОДЛИ ДАСТУРИЙ
ТАЪМИНОТЛАР ТАХЛИЛИ
Режа**

- 1. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар тахлили**
- 2. LMS тизимларининг асосий функциялари**
- 3. LMS тизимларининг таҳлили**



Ўқув машғулотининг мақсади: Масофавий ўқитиш ва уни ташкил қилиш асослари, Масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи дастурий мажмуаалар LMS лар ҳақида маълумот бериш ва улар билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш

Таянч сўзлар: LMS, moodle, Atutor, Claroline, OLAT, Efront, Sakai, Dokeos, Chamilo, ILIAS, LAMS, Open Elms, Масофавий таълим, хостинг, домен

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир университет ёки таълим муассаси ўз таълим жараёнини бошқариш учун замонавий технологиялардан келиб чиқсан ҳолда, ўзининг виртуал ахборот таълим муҳитини яратишга ҳаракат қиласди. Ҳозирги вақтга келиб, виртуал ахборот таълим муҳитини яратишнинг ҳожати қолмаган, чунки Web муҳитига мослашган ҳар ҳил турдаги дастурий мажмуаалар жонқуяр дастурчи ва таълим соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг ҳамкорликда ишлашлари шунингдек, таълимга йўналтирилган фондлар томонидан қўллаб қувватланиши натижасида, эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар яратилган.

Бу ўқув модулимизда масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи эркин ва очик кодли дастурлар мажмуасининг таҳлили келтирилади. Ўқув модулида келтирилган дастурий мажумалар таҳлили кўп йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ёзилган.

Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили

Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнида (хусусан, масофавий таълим жараёнини) қўллаш асосан икки хил кўринишда амалга оширилади[2]. Биринчи шарти бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчиси шарти эса маҳсус дастурий таъминотлар билан таъминланганлигидир.


1. Техник жиҳозлар билан таъминланганлик: компьютерлар, тармоқ қўрилмалари, юқори тезликдаги интернет тармоқлари, видео конференция жиҳозлари ва ҳаказо.
2. Дастурий таъминотга: Мавжуд қурилмаларни ишлатадиган дастурий таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради.

Сўнгги йилларда Фарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интеранет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим турини Elearning (электрон таълим) атамаси билан кириб келди.


Электрон таълими – ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир.

Электрон таълимни ташкиллаштиришнинг кўпгина манбалари орасидан қўйидагиларни қўрсатиш мумкин:


- Муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring tools);
- Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems);
- Ички контентни бошқарув тизимлари CMS (Content Management Systems).



Электрон таълимни ташкиллаштиришда ишлатиладиган дастурий таъминотлар структураси



Хозирда мавжуд LMS тизимларнинг тарихи ва таълим бозорида эгаллаган сармофи.



LMS тизимларининг асосий функциялари

LMS/LCMS тизимлари электрон таълимни (масофавий таълим жараёнини) ташкил этишнинг асосий функцияларини ўз ичига олади. Бундай функцияларга ўқувчиларнинг(ўқитувчиларнинг, курс яратувчи педагогларни ва бошқа ролдагиларни) рўйихатга олиши, фойдаланувчиларни ўқув курслардан четлаштириш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш муҳитини яратиш, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро индивидуал ёки/ва гурух бўлиб ҳамкорликда ишлашини (Web2 элементларини ишлатиш орқали) ташкил этиш, гурухлар яратиш ва уларни бошқариш, оралиқ, жорий ва якуний назоратларни ташкиллаштириш ва электрон назорат турларини яратиш (электрон назорат турларига ёпиқ турдаги тест, очиқ турдаги назорат, мосликни топишга оид, кетма-кетликни тўғри жойлаштириш, бўш қолдирилган жойни тўлдириш ва бошқа турлари киради), хар-хил турдаги ижтимоий сўровлар ташкиллаштириш, ўқувчиларнинг билим даражасини мониторинг қилиш, сертификатлар (дипломлар) бериш имконияти, электрон ахборот ресурсларини (электрон кутубхоналар) ташкиллаштириш, электрон ўқув ресурсларини экспорт/импорт қилиш имкониятлари, тизим фойдаланувчиларининг (ўқувчилар, ўқитувчилар(тыюторлар), курс яратувчи педагогларнинг) тизимга қаҷон, қанча вақт давомида ўқув контентлар билан танишганлиги, қайси IP адрес орқали кирганигини (бу эса қайси давлатдан тизим орқали кирганилиги, тизимда мавжуд фодаланувчиларнинг активлигини маҳсус графиклар орқали мониторинг қилиш имконияти, ўқитувчи(тыютор) (ёки электрон курс яратувчи педагоглар) томонидан электрон ўқув ресурсларни яратиши, Authoring toolsларда SCORM, TinCan ёки бошқа стандартлар асосида яратилган электрон ўқув ресурсларини юклаши, ўқувчиларнинг бошқа ўқувчилар/ўқитувчилар билан (Чат, Форум, видеоконференция, умумий электрон доскалар ёки тизимнинг ички/ташқи хабарлар алмашиш модули орқали) мулоқатини ташкиллаштириш, ўқув жараёнида бўладиган янгиликларни барча фойдаланувчиларга оммавий хабар юбориб турувчи модулларнинг мавжудлиги, иқтисодий ва маркетингга оид операцияларни бошқариш ва бошқа имкониятларни санаб ўтиш мумкин.

LMS тизимларининг таҳлили

Қўйида маосафавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи эркин ва очиқ кодли LMS дастурий мажмуаларнинг номлари ва уларнинг асосий имкониятлари бўйича маълумотларни баён қиласиз.

Atutor- Очиқ кодли таълим жараёнини бошқарувчи LMS тизими ҳисобланади. Тизимда мавжуд ўқитишиш модуллари: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work, Student tracking ва бошқа модуллари мавжуд. Тизим бир нечта стандартларни қўллаб қувватлаганлиги сабабли,

интернет орқали жисмоний нуқсонга эга бўлган ўқувчи-талабалар тизим орқали ўқув ресурслардан фойдаланишлари мумкин. Хусусан кўзи ожиз талабалар маҳсус веб иловалар орқали тизимга боғланган ҳолда ўқув контентдаги сўзларни аудио форматда утказган ҳолда тинглаши мумкин.

Ўқув модулини ёзиш вақтида Atutor дастурий мажмуасининг барқарор версияси 2.1.1.

Тизимнинг шахсий сайтида 20 дан ортиқ ҳар ҳил модуллар мавжуд. Тизим қўллаб қувватлайдиган стандартлар сони анча бўлиб бу бошқа LMS тизимлардан фарқи ҳам айнан шу хусусиятидадир.


ATutor қўйида кўрсатилган стандартларни қўллаб қувватлайди:

- W3C WCAG 1.0;
- W3C WCAG 2.0;
- W3C ATAG 2.0;
- US Section 508;
- Italy Stanca Act;
- IMS AccessForAll 2.0;
- ISO/IEC 24751.

ATutor қўйида кўрсатилган стандартлардаги ўқув ресурсларни қўллаб қувватлайди:

- OpenSocial 1.0;
- OAuth Authentication Protocol;
- IMS Content Packaging 1.1.2+;
- SCORM Content Packaging;
- SCORM 1.2 LMS RTE3;
- IMS Question Test Interoperability (QTI) 1.2/2.1;
- IMS BasicLTI 1.0 (reg. IMSA1B1as2012W1);
- IMS Common Cartridge 1.0 (reg. IMSA1B1as2012W1);
- W3C XHTML 1.0.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://atutor.ca/atutor/>



Atutor тизимининг умумий интерфейси

Claroline – Эркин ва очик кодли масофавий ўқув курсларни ташкиллаштириш имкониятини берувчи Webga ориентацияланган дасурий мажмуа ҳисобланади. Тизим Лувенадаги (Бельгия) католик университетининг педагогика ва мультимедиа институтида яратилган. Дастурый мажмуадан фойдаланиш GNU (General Public License) асосида амалга оширилади яъни бепул фойдаланиш мумкин. Тизим ишлаши учун серверда PHP/MySQL/Apache ларни ўрнатилиши талаб қилинади. Windows 98 ва NT, Mandrake Linux8.1 муҳитига ўрнатилган EasyPHP тизимда тизим тестдан ўтказилган. Claroline дастурый мажмуасидан 80дан ортиқ давлатларда фойдаланишади ва 30 дан ортиқ тилларга (дастур интерфейси) таржима қилинган[6]. Тизим 2000 дан ортиқ талабаларни бир вақтнинг ўзида қабул қилиши мумкин. Claroline дастурый мажмуаси масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш учун талаб қилинадиган барча талабларга жавоб беради хусусан, фойдаланувчиларни руйиҳатдан ўтказиш, тизимда фойдаланувчиларнинг (фан ўқитувчиси, ўқувчи ва меҳмон) ролларини администратор томонидан белгилаши, ўқув курсларни яратиш, уларнинг таркибини таҳрирлаш, талабалар билимини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш, назорат натижаларини таҳлил қилиш, тизим ичида фойдаланувчилар ўртасида коммуникация элементларидан (чат, форум, қисқа хабарлар жўнатиш модулларидан) фойдаланиш ва бошқариш имкониятини беради. Тизимда бошқа LMSлар сингари қўйидаги кўрсатилган ўқитиш модуллари мавжуд: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work , Student tracking, Календар, Вики ва бошқа модуллари мавжуд. Бошқа LMS лар сингари IMS ва SCORM стандартларни қўллаб қувватлайди. Claroline дастурый мажмуасининг имкониятларидан демонстрация режимида фойдаланиб қўриш мумкин, бунинг учун <http://demo.claroline.net/> ҳаволасига мурожат қилиб, тизимга ҳар хил ролларда (администратор, фан ўқитувчиси, ўқувчи) кириб тизимнинг имкониятлари билан танишиб чиқиши мумкин. Ўқув модулинин ёзиш вақтида тизимнинг барқарор версияси Claroline 1.11.8.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.claroline.net>

The screenshot shows the Claroline 1.8.3 course interface. The left sidebar includes links for Course description, Agenda, Announcements, Documents and Links, Exercises (selected), Learning Path, Assignments, Forums, Groups, Users, Chat, and Wiki. Below these are Edit Tool list, Course settings, and Statistics. The main content area has a yellow header "Механическая работа". A sub-header "Работа переменной силы" is shown with the formula $[A]=[H][m]=[Дж]$. It features a diagram of a particle's trajectory from point 1 to point 2, with force \vec{F} and displacement $d\vec{r}$ at angle α . The formula $dA = \vec{F}d\vec{S}$ is given, along with the dot product formula $a \cdot b = |a| \cdot |b| \cdot \cos \varphi$, where $\varphi = (\vec{a}, \vec{b})$. A note says: "Пусть к частице, массой m , приложена сила \vec{F} , частица за время dt совершила перемещение $d\vec{r}$ ". A small note at the bottom says: "Обратите внимание: т.к. $d\vec{S}$ величина $\rightarrow 0$, то можно считать, что на перемещение $d\vec{S}$ сила $\vec{F}=\text{const}$ ". At the bottom right, it says "05.01.2010 Copyright 2009 vkhamedov@gmail.com/Хамедов В. С. ТУИТ © 2009".

Claroline тизимининг умумий интерфейси

The screenshot shows the FIRST STEPS IN CLAROLINE course interface. The left sidebar includes links for Course description, Agenda, Announcement, Document, Exercises (selected), Learning Path, Assignments, Forums, Groups, Users, Wiki, Chat, Attendance, Online Library, Quick poll, and Subscriptions. The main content area has a grey header "FIRST STEPS IN CLAROLINE | LMSCL002 Michel Damay". It shows three buttons: "Add a new portlet: Announcement", "Add a new portlet: Calendar", and "Add a new". Below these, it says "You are on the course home page. On this page, you can :". A bulleted list follows: "add portlets to your course home page (see link above); activate or deactivate tools (click on the 'Edit Tool list' button at bottom left); change settings or view statistics (click on corresponding links at bottom)."

Claroline тизимининг умумий интерфейси

Dokeos - Clarolinening 1.4.2 версиясидан ажралиб чиқсан янги дастурий мажмуда ҳисобланади.


Dokeos Claroline платформасини ишлаб чиқсан дастлабки ишчи гурухнинг бир неча аъзоларининг иш маҳсулни бўлиб, улар таълим муассасалари учун яратилган Clarolineдан фарқли равишда давлат корхоналарининг ишчи ходимларига мослаштиришни мақсад қилишди ва амалга оширишди.

Dokeos дастурий мажмуасининг расмий Web сайтига ташриф буюрсангиз, у ерда дастурнинг 2 та версиясини кўчириб олишни таклиф қилинади: Dokeos FREE – бепул ва Dokeos PRO – бепул бўлмаган, қўшимча модуллари мавжуд бўлган дастур пакети таклиф этилади. Лекин Dokeos FREE версияси бизнинг фикримизга кўра, таълим жараёнини ташкиллаштириш учун керак бўладиган барча ўқув модуллари мавжуд.

Тизимнинг имкониятларини ва унда мавжуд ўқув элементларни қўйида кўрсатилган ақл харитаси орқали кўриш мумкин. Расмдан кўриниб турганидек, тизимда мавжуд ўқитиш модулларини таълим муассасаларида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирги вақтда LMS ларининг кўпчилиги

ижтимоий тармоғлардаги мавжуд ғоя асосида ўзларининг ишчи мұхитларини шундай тармоғларга мослаштироқда. Шунга кўра, бу тизимда ҳам ижтимоий тармоғ элементлари кенг киритилган. Юқорида көлтирилган LMS тизимлари сингари Dokeos дастурй мажмуаси ҳам SCORM стандартини қўллаб қувватлайди. Бу эса бу стандартни қўллаб қувватлайдиган бошқа LMS тизимларига ўқув курсларини экспорт/импорт қилиш имкониятини беради. Dokeos дастурй мажмуаси ўқув модулини ёзиш вақтидаги охирги барқарор версияси Dokeos 2.2 RC2.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.dokeos.com>



Dokeos дастурй мажмуасида мавжуд элементларнинг умумий кўриниши

The screenshot shows the Dokeos 1.8.6 demo course interface. At the top, it displays 'My campus - My Organisation' and 'Dokeos 1.8.6 demo course DOKEOS186 - Yannick Warnier'. It also shows 'Users online: 1 (1 In this course)| Student View | Help' and 'Logout (admin)'. Below this, there are three main sections: 'Authoring' (Course Description, Gradebook, Documents, Links, Announcements, Glossary), 'Interaction' (Agenda, Dropbox, Groups, Student publications, Wiki, Forums, User, Chat, Surveys), and 'Administration'.

Dokeos ўқувчи ролида тизимининг умумий интерфейси


This screenshot shows the Dokeos administrator role interface. It features a navigation bar with five tabs: ACTIVITIES, SOCIAL, WEEKLY, PROFESSIONAL, and NO SCENARIO. Below the tabs is a grid of icons representing various LMS functions, each with a small description below it.

Dokeos администратор ролида тизимининг умумий интерфейси

LAMS IMS Learning Design стандарти асосида 2003-йилда яратилган. JAVA дастурлаш тилида ёзилган. Кросс-платформали, 32 тилга дастур интерфейси таржима қилинган ва GPLv2 асосида бепул фойдаланиш мумкин. LAMS дастурий мажмуаси бошқа LMS лардан фарқи шундаки, ўқитувчиларга ўқув жараёнини структуралашда визуал воситалардан фойдаланиш имкониятини беради, бу воситалар ўқув жараёнида ўқув ресурсларини (электрон ўқув ресурсларни, чат, сўровномалар, топшириклар) ва назорат турларини қандай кетма-кетликда бўлишлигини визуал кўринишини таъминлайди. Бунда ўқитувчи “синчқонча” орқали бу кетма-кетликларни ҳеч қандай қийинчиликсиз жойларини ўзгартириши мумкин бўлади.

LAMS – электрон ўқув ресурсини визуал равишда ўқув контентларни ўзгартириш бошқариш ва яратишдаги имкониятларининг мавжудлиги сабабли, янги революцион илова ҳисобланади. У ўқитувчига ўқув контентини яратишда интуитив тушунарли интерфейс тақдим қиласи. Бу интерфейс ўз ичига хар-хил индивидуал вазифалар, гурухли ўқитишда фронтал вазифаларни беришини ўз ичига олади. Ўқув модулинин ёзиш вақтидаги тизимнинг барқарор версияси 2.4.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://lamsfoundation.org/>



LAMS дастурий мажмуасининг умумий кўриниши

Moodle – Web муҳитида ўқитиш ва on-line режимдаги дарсларни ташкил қилувчи кучли педагогик дастурий мажмуа ҳисобланади. Тизимда мавжуд ўқитиш модуллари: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work , Student tracking ва анча кўп бўлган бошқа модуллари мавжуд. Бошқа LMS лар сингари IMS, SCORM ва бошқа стандартларни қўллаб қувватлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бошқа LMS тизимларга қарагандা энг кўп қўшимча плагин ва модуллари мавжуд бўлган дастурий мажмуа айнан, Moodle дастурий мажмуаси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўп давлатларининг ўқув муассасаларида масофавий таълим жараёнини айнан Moodle дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилмоқда[5].

1-Жадвал. Moodle бўйича статистика(13.08.2013 гача бўлган маълумотлар)

Рўйиҳатдан ўтган фойдаланувчилар сони	86277
Давлатлар	237
Курслар	7802594
Фойдаланувчилар	73052135

Ўқитувчилар	1297013
Ўқувчилар контингенти	76154065
Ресурслар	69440017

Шунингдек, Ўзбекистондаги қўплаб таълим муассасларида айнан виртуал таълим муҳити сифатида айнан Moodle дастурий мажмуаси фойдаланиб келинмоқда.

Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг виртуал таълим муҳити - etuit.uz, Ўзбекистон Миллий университетининг “Очиқ ўқув-ахборот марказида”, Ҳалқ таълим вазирлиги қошидаги “Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази”- <http://moodle.uzedu.uz/>, Тошкент Турин Политехника университетида - moodle.polito.uz ва бошқа муассасаларда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Очиқ кодли Moodle дастурий мажмуаси ўқув жараёнини бошқарувчи Web га йўналтирилган маҳсус тизим бўлиб, интернет тармоғида фойдаланишга мўлжалланилган. Тизимни яратишда очиқ кодли дастурий таъминотлардан фойдаланилган. Уни ишлатиш учун маълумотлар омборини бошқариш дастури (MySQL ёки PostgreSQL), PHP процессори, Web хизмати дастур (Apache ёки IIS) лари созланган сервер зарур. Оперцион тизим сифатида ихтиёрий кенг тарқалган тизимлардан биридан фойдаланиш мумкин (Windows, Linux, Mac OS X, Novell Netware). Ўқув модули ёзилаётган вақтда тизимнинг барқарор версияси moodle 2.5.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.moodle.org>


Moodle дастурий мажмуасининг умумий қўриниши

OLAT (Online Learning And Training) тизимни ишлаб чиқариш 1999-йил Цюрих университетида яратила бошланган, 2004 йилдан бошлаб дастур

коди очиқ кодликка утди. Ҳозирга келиб тизимдан 50 000 га яқин фойдалувчи ва 50 га яқин ташкилот фойдаланиб келмоқда. Бошқа LMS лар сингари IMS (IMS Content Packaging, IMS QTI) ва SCORM стандартларни қўллаб қувватлади. OLAT дастурий мажмуасида мавжуд ўқув модуллари қўйида келтирилган: Content managing, Forums, File discussions, Quizzes with different kinds of questions, Wikis, Blogs, Podcast, Surveys, Chat ва бошқа модуллари мавжуд. Apache License 2.0 асосида фойдаланиш мумкин. OLAT ни ишлатиш учун талаб қилинадиган дастурий мажмуа лар: Java SDK, Tomcat Servlet Engine, маълумотлар омборидан MySQL ёки PostgreSQL.

OLAT дастурий мажмуасининг ишлаш имконияти билан тизимга ҳар хил фойдаланувчи (администратор, ўқитувчи, ўқувчи) ролида кириб <http://demo.olat.org/> ҳаволага мурожат қилган ҳолда танишиб чиқишингиз мумкин. Ўқув модули ёзилаётган вақтда тизимнинг барқарор версияси OLAT 7.7.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.olat.org>



OLAT дастурий мажмуасининг умумий қўриниши

eFront - дастурий мажмуа Unix, Linux, FreeBSD, Windows, Mac OS X, Netware ва бошқа РНРни қўллаб қувватловчи операцион тизимларда ишлади. Маълумотлар базаси сифатида MySQL ва PostgreSQL лардан фойдаланиш мумкин. Бошқа LMS лар сингари IMS ва SCORM стандартларни қўллаб қувватлади. Тизим 30дан ортиқ тилга таржима қилинган шу қаторида ўзбек тилидаги таржимаси ҳам мавжуд. Агар сайтга кирсангиз сизга eFront нинг бир нечта версиясидан фойдаланиш таклиф этилади, булар Editions, Enterprise, Educational ва Open-sourcelар. (Булар бир биридан нимаси билан фарқ қилишини тўлиқ билмоқчи бўлсангиз қўйида кўрсатилган ҳаволага мурожжат этишингиз мумкин <http://www.efrontlearning.net/functionality-matrix>.) Булардан фақат оҳиргисини (Open-source) фойдаланиш бепул ҳисобланиб қолганларидан фойдаланмоқчи

бўлсангиз маълум қўшимча пул эвазига сотиб олишингиз мумкин бўлади. Лекин eFront дастурий мажмуасининг Open-source версияси масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришингиз учун етарли ҳисобланади. Ўқув модули ёзилаётган вақтдаги барқарор версияси eFront (Open-source) v3.6.13.2.

eFront дастурий мажмуаси асосида Тошкент ахборот технологиялар университетининг физика кафедраси қошидаги “Мультимедиали ўқитиш маркази” томонидан <http://my.estudy.uz> масофавий ўқув курслари физика фани бўйича яратилган ва ҳозирги вақтгача ишлаб келмоқда.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.efrontlearning.net/>



eFront дастрий мажмуаси асосида яратилган my.estudy.uz LMS тизимининг структураси

eFront дастрий мажмуасининг умумий интерфейсининг кўриниши (ўқувчи ролида)

Chamilo- Очиқ кодли масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи Webga ориентацияланган дастурий мажмуа ҳисобланади. Chamilo лойиҳаси 18 январь 2010 йилдан бошлиб ривожланиб

келмоқда. Ўқув модули ёзилаётган вақтда Chamilo дастурий мажмуасининг барқарор версияси 1.9.6. Бошқа LMS лар сингари IMS (IMS Content Packaging, IMS QTI) ва SCORM стандартларини қўллаб қувватлади. Тизим кросс-платформали ҳисобланиб, барча операцион тизимларда ишлайди. GPLv3 лицензияси асосида иш юритади. Тизимнинг расмий сайтида келтирилган маълумотга кўра ҳозирда 250 000 дан ортиқ талаба бу тизим орқали таълим олиб келишмоқда. <https://campus.chamilo.org/index.php?language=russian> ҳаволаси орқали тизимнинг имкониятларини реал равишда администратор, ўқитувчи(тьютор) ва ўқувчи ролларида бўлиб, танишиб чиқиш мумкин. Масофавий ўқув жараёнини бу тизим орқали ҳеч қандай қийинчиликсиз ташкиллаштириш мумкин. Тизимдан давлат ташкилотлари ўзларининг ишчи ходимларини аттестациядан ўтказишда ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <https://chamilo.org>



Chamilo дастрий мажмуасининг умумий интерфейсининг кўриниши

ILIAS. Бу тизим ҳам эркин ва очик кодли масофавий таълим жараёнини бошқарувчи LMS тизими ҳисобланади. Дастурий мажмуа 1998 йилдан ва ҳозирги вақтгача ривожланиб келинмоқда. Бошқа тизимларда мавжуд бўлган ўқитиш модуллари бу тизимда ҳам бор: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Student tracking, Календар, Глоссари, Вики ва бошқа модуллари мавжуд. Ўқув модулини ёзиш вақтида ILIAS дастурий мажмуа ининг барқарор версияси 4.3.4. Тизим Apache, PHP, MySQL, XML ларга асосланган. SCORM стандартига тўлиқ жавоб беради. Тизимнинг бошқа тизимларга нисбатан авфзал томонларидан бири электрон назорат турларининг яхши йўлга қўйилганидадир. Кўйида кўрсатилган электрон назорат турларини ўз ичига олади: single choice, multiple choice, matching, fill-

in-the-blanks, hot spots, flash, java applet ва бошқ. Ўқувчиларнинг олган натижаларини таҳлил қилиш ва сертификатлаш имконияти ҳам мавжуд. Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.ilias.de>

The screenshot shows the ILIAS Information Center dashboard. At the top, it says "Logged in as Alex Killing [Logout]". Below that is a navigation bar with "Personal Desktop", "Resources", "Search", "Mail", and "Administration". On the left, there's a "Personal Desktop" section with links to "Overview", "Personal Profile", "News", "Private Notes", and "Bookmarks". The main content area has several sections: "Internal News" (1-1 of 1), "ILIAS Forums" (1-5 of 15), "Personal Items" (User Documentation for ILIAS 3.7, 1 - General Information about ILIAS, LT4el Test Course, Working Group Usability, etc.), "Mail" (0 Mail(s)), "Notes" (1-1 of 1, Test Notiz), "Active Users" (1-1 of 1, Alex Killing [alex]), and "Bookmarks" and "Web Feed" sections. There are also "Edit" and "Delete" buttons for the news and forums.

ILIAS дастрий мажмуасининг умумий интерфейсининг кўриниши

Open Elms – эркин ва очик кодли навбатдаги масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини беради тизим бўлиб, GNU GPL лицензияси асосида фойдаланувчиларга фойдаланишлари учун тарқатилади. Тизимнинг ўзи эркин ва очик кодли бўлганли бойис ҳам, дастурий мажмуани яратишда очик кодли дастурий таъминотлардан фойдаланилган. Уни ишлатиш учун маълумотлар омборини бошқариш дастури (MySQL ёки PostgreSQL), PHP процессори, Web хизмати дастур (Apache ёки IIS) лари созланган сервер зарур. Оперцион тизим сифатида ихтиёрий кенг тарқалган тизимлардан биридан фойдаланиш мумкин (Windows, Linux, Mac OS X, Novell Netware).

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.openelms.org/>

The screenshot shows the Open Elms Jackdaw 2.0.1 interface. On the left, there's a preview window of the "e-start" induction program. It shows a welcome screen with a video player, navigation buttons, and text. Below the preview is a "Support information" section with a message about the <info> tag. On the right, there's an "Edit the XML" panel. It shows an XML structure for "screens" and "screen 1: Welcome". Under "screen 1: Welcome", there are sections for "Section Title", "Title", "Template 4: Loader_animation", "Content", and "x". A message at the bottom says "Press Save and Reload to see the effects of changes".

Open Elms дастрий мажмуасининг умумий интерфейсининг кўриниши

Sakai – дунёнинг кўпгина таълим муассаларида кенг фойдаланиб келинаётган навбатдаги очик кодли GNU GPL лицензияси асосида эркин тарқатилувчи дастурний мажмуа ҳисобланади. Бошқа LMS тизимларидан фарқи шундаки тизим тўлиқ Java тилида ёзилган. Шу сабали тизим кроссплатформали ҳисобланади. Sakai дастур мажмуасининг ўзининг маълумотлар омбори мавжуд бўлиб, агар фойдаланувчилар сони кам бўлсатизимнинг ички маълумотлар омборидан фойдаланиш мумкин, агар фойдаланувчилар сони кўп бўлса, у ҳолда MySQL ёки Oracle маълумотлар омборида ишлаши мумкин. Ўқув модули ёзилаётган вақтда тизимнинг барқарор версия Sakai 2.9.2.

Sakai дастур мажмуасида таълим жараёнини бошқариш имкониятини берувчи қўйидаги умумий модуллари мавжуд:

- Announcements (Эълонлар)- тизим фойдаланувчиларига тегишли эълонларни етказиш учун ҳизмат қиласи;
- Drop Box (Файллар алмашинуви)- талабалар/ўқитувчилар ва ўқитувчилар/талабалар ўртасида (шахсий) хужжатлар алмашинувчини таъминлашга ҳизмат қиласи;
- Email Archive (Электрон почта архиви)-бу модул орқали тизимдаги фойдаланувчиларнинг почта хабарлари тизимнинг архив почтасида сақланади;
- Resources (Ресурслар)- тизим ичидағи фойдаланувчилар ўзларининг ўқув ресурсларини сақлашлари ва уларни жамоага эълон қилиш имконияти;
- Chat Room – on line равища тизим ичидағи фойдаланувчилар ўртасида алоқани ўрнатиш мухити;
- Forums (Форум)- бирор бир мавзу бўйича дискуция мавзуларни очиш мумкин. On-line мулоқатдаги чатдан фарқли равища бу модул орқали off line равища муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш мумкин;
- Message Center (Хабарлар маркази)- тизим фойдаланувчилари ўртасида ички хабарлар алмашиб модули;
- News / RSS- RSS динамик янгиликларини ўзингизнинг компьютерингизга экспорт қилиш имконияти;
- Poll tool (Сўровлар ўтказиш) – тизим ичидаги ҳар хил сўровлар ўтказиш имконияти;
- Presentation (Презентация) – бир вақтнинг ичидаги бир нечта фойдаланувчилар учун файлларни тақдимот қилиш имкониятини берувчи модул;

- Profile / Roster – тизимда мавжуд фойдаланувчиларнинг шахсий профиллари билан ишлаш модули;
- Repository Search- тизим ичидағи маълумотларни қидириш модули.

Үқитувчи учун ишчи модуллари (Teaching tools) қўйидагилардан иборат: Assignments, Grade book, Module Editor, QTI Authoring, QTI Assessment, Section Management, Syllabus.

Тизим мухитида ўқувчи учун ишчи модуллари (Portfolio tools) қўйидагилардан иборат: Forms, Evaluations, Glossary, Matrices, Layouts, Templates, Reports, Wizards, Search, Web Content, WebDAV, Wiki, Site Setup, MySakai, Widgets.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.sakaiproject.org>

Assignment title	Status	Open	Due
Essay #2	Not Started	Mar 13, 2011 12:00 pm	Apr 23, 2011 5:00 pm
Essay #1	Draft - In progress	Feb 16, 2011 12:00 pm	Mar 23, 2011 5:00 pm

Sakai дастрий мажмуасининг умумий интерфейсининг кўриниши

eStudy.uz интеллектуал Масофавий таълим тизими

Масофавий таълим тизимининг вазифаси: Масофавий ўқув курсларини яратища эксперт томонидан ўқув курс траекториясини белгилаши, параметрларни киритиши ва ўқувчилар билимини баҳолашда адаптивлашган тестлар базасини яратиши шунингдек шакллантириши мумкин. eStudy.uz тизими ўқувчининг бошланғич билим даражасидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ўқув траекториясини шакллантириш имкониятини беради. Тизим орқали масофадан ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш мумкин.

Ўқув тизимининг афзаллиги:

- тизимда фойдаланувчиларнинг ҳал-хил ролларининг мавжудлиги (Администратор, ўқитувчи, талаба ва меҳмон);
- фойдаланувчи учун қулай интерфейс;

- ўқувчининг бошланғич билим даражасидан келиб чиқсан ҳолда индивидуал ўқув траекториясини шакллантириб бериши;
- адаптив тестларни яратиш имкониятининг мавжудлиги;
- ўқувчининг натижаларини маълумотлар базасида сақлаши ва таҳлил, экспорт қилиш имконияти;
- Тизим орқали ихтиёри фандан Масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имконияти;
- Видео конференциялар ташкиллаштириш имконияти;
- Интернет коммуникация элементларининг мавжудлиги (Чат, форум, ички маълумотлар алмашиш тизими);
- Қўйида кўрсатилган форматлар билан билан ҳам ишлаш имконияти:
 - Graphics (JPEG, GIF, PNG)
 - HTML
 - Video (AVI, MPEG)
 - Adobe FLASH
 - Adobe PDF
 - MS Office (DOC, PPS)
- Техник таъминотга минимал талаблар.

Тизимнинг ҳажми: Тизимга киритилган ўқув курсларнинг ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади

Ўқув тизимининг нормал ишлаши учун компьютерга қўйиладиган талаблар:

Доимий хотирада камидаги 1 ГБ бўш жойининг маждуд бўлиши;

- Камида 125 Мб оператив хотира;
- операцион системалар: Windows ёки Linux;
- PostgreSQL, Microsoft SQL Server;
- Appliaction Server: Apache, Интерпретатор-PHP;

OpenSource айрим LMS таҳлили

	A Tutor	Claroline	Dokeos	LAMS	Moodle	OLAT	Sakai
Тизим рейтинги	5	4	4	6	1	6	2
Охирги версияси	2.1.1. (2013)	1.11.8 (2013)	2.2 (2013)	2.4. (2013)	2.5 (2013)	7.7 (2013)	2.9.2 (2013)
Лицензияси	GPL	GNU/GPL	GNU/GPL	Open Source	GNU	Open Source	ECL

Фойдала нувчилар сони (минг)	300	685	1000	100	130000	100	5000
Кўп тиллилик интерфейси	Ҳа (30 тилдан ортиқ)	Ҳа (30 тилдан ортиқ)	Ҳа (34 та тилда)	Ҳа (19 та тилда)	Ҳа (54 тилда)	Ҳа (8 тилда)	Ҳа (10 тилда)
SCORM кўплани лиши	2007 йилга режалаш тирилган	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Ҳа	Ҳа
IMS кўплани лиши	режалаш тирилган	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Структу раси	Ядро+ модуллар тўплами	Яхлит	Ядро+ модуллар тўплами	Яхлит	Ядро+ модуллар тўплами	Яхлит	Ядро+ модуллар тўплами
Кенг имконият лари	Ҳа ички модуллар хисобига	Ишлаб чиқарув чиларга боғлиқ	Ҳа ички модуллар хисобига	Ишлаб чиқарув чиларга боғлиқ	Ҳа ички модуллар хисобига	Ишлаб чиқарув чиларга боғлиқ	Ҳа ички модуллар хисобига
Кўшимча дастурӣ таъминоти	Apache, MySQL, PHP	Apache, MySQL, PHP	Apache, MySQL, PHP	Apache, JBOSS, Tomcat, MySQL,	Apache, MySQL, PHP	Java SDK	Apache, MySQL, PHP
Платформа	Windows, Linux, Unix, MacOS	Windows, Linux, Unix, MacOS	Windows, Linux, Unix, MacOS	Windows, MacOS	Windows, Linux, Unix, MacOS	Linux, Unix	Windows, Linux, Unix, MacOS
Тестлаш тизими	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Тинглов чилар сонига қараб чеклаш	Йўқ	20000	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Ўқув материалини қайта ишлаш муҳити	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд
Тизим билимини текшириш	Тестли	Тестли, машқли	Тестли	Тестли	Тестли, вазифали амалиёт Форум лардаги фаоллик	Тестли, вазифали	Тестли, вазифали амалиёт Форум лардаги фаоллик
Тизим хисоботи, мониторинги	Озгина ривожланган	Ўртacha ривожланган	Ўртacha ривожланган	Озгина ривожланган	Ривожланган, доимий ривожланишда	Озгин а ривожланган	Ривожланган, доимий ривожланишда

Ҳозирда ТАТУ (Тошкент ахборот технологиялари университети)нинг физика кафедраси томонидан Estudy.uz (бета версияси) тизими яратилган бўлиб, бу платформада физикани Масофавий ўқитиш йўлга қўйилган. Тизим юқорида кўрсатилган тизимлардан фарқ қиласи, айнан ҳозир бу тизимда тестлаш жараёни олиб борилмоқда.

3-МАВЗУ. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Режа:

1. **Масофавий таълимда лаборатория ишларини ташкиллаштириш муаммолари**
2. **Ўқув юртларида симуляторлардан фойдаланиш керакми?**
 - a) Crocodile Physics
 - b) Crocodile tecnology
 - c) Crocodile Chemistry
 - d) Crocodile ICT
3. **Yenka**

Масофавий таълимда жараёнида табий фанлардан лаборатория ишларини ташкиллаштиришнинг ўзига хос муаммолари мавжуд.

Кириш

Айнан бу муаммони виртуал лаборатория ишларидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштириш мумкин. Бу ўқув модулимизда айнан юқорида келтирилган муаммони ҳал қилишга харакат қиласиз.

Ўқув жараёнида моделлардан фойдаланиш янги усул эмас. Қадим-қадимдан ўқув-ўрганиш мобайнида моделлардан фойдаланиб келинган. Симуляторлар ўқув жараёнинг қарийб барча жабҳаларида: бошланғич таълимдан бошлаб олий ўқув юртларигача, оддий тил ўрганишдан то механика соҳаларигача қўлланилиши мумкин. Кейинги вақтларда хаттоки медицина соҳасида ҳам симуляторлардан фойдаланилмоқда. Аммо биз ушбу маъruzada асосий эътиборни компьютер симуляторларига қаратамиз.

Компьютер симуляторларидан асосан икки йўналишда фойдаланиш мумкин: ҳақиқий обьектларни моделлаштириш ҳамда ушбу моделларни ривожлантириш. Ҳаётий обьектларни моделлаштиришда энг содда чиплардан тортиб бутун бошли мураккаб компьютер тизимларигача виртуал прототипларини яратиш мумкин. Ўқувчилар ушбу виртуал моделларни ўрганиш жараёнида уларнинг ишлаш принсип ва усулларини янада такомиллаштиришлари ҳам мумкин бўлади.

Ўқув юртларида симуляторлардан фойдаланиш керакми? Ушбу саволга энг қисқа ҳамда бизнинг наздимизда тўғри бўлган жавоб, “Ха, албатта”дир. Симуляторлардан фойдаланишнинг асос сабабларидан бири уларнинг реал обьектларга нисбатан жуда ҳам арzon алтернатив

эканлигидадир. Ҳаммага маълумки, ахборот технологиялар ва компьютер соҳасини ўқитишда асосан лексиялардан фойдаланилади; нари борса программалаш тилларини ўқитишда маълум бир дастурлар тузиш бўйича машғулотлар олиб борилади. Аммо компьютер жихозларини ясаш, операциён ва нетворк тизимларини ўрнатиш ҳамда синовдан ўтказиш қимматбаҳо ускуналарга эҳтиёж туғдиради. Ўзўзидан маълумки Ўзбекистон коллеж ва университетларида бундай имкониятлар ҳозирча кенг кўламда мавжуд эмас. Симуляторлар эса шундай ҳақиқий асбоб-ускуна ва жиҳозларсиз виртуал ҳолатда компьютер ҳамда нетворк қурилмаларини ясаш ва синовдан ўтказишга имконият яратади. Бу ўзўзидан нафақат катта миқдорда маблағлар тежалишига, балки уларга умуман эҳтиёж ҳам туғдирмайди. Симуляторларнинг қарийб ҳеч қандай молиявий маблағлар талаб этмаслиги маълум тадқиқотларни талабалар томонидан юзлаб, керак бўлса минглаб маротаба қайта-қайта амалга оширишга имконият яратади.

Симуляторлардан фойдаланишнинг яна бир афзаллик томони уларнинг хавфсиз эканлигидир. Баъзи тадқиқотларни амалга ошириш инсон ҳёти учун хавф туғдиради, масалан, экологик хавфли зоналарни кузатиш жараёнида маълумотларни йиғиш учун фойдаланиладиган нетворк тармоғини ўрганиш. Бундай тадқиқот катта миқдорда молиявий харажат талаб этибина қолмасдан, тадқиқотни олиб борувчилар ҳётига хавф ҳам туғдиради. Симуляторлар ёрдамида эса экологик хавфли зона ҳамда у ерга мос бўлган нетворк тармоғи виртуал ҳолатда ясалиши ва уларнинг устига истаганча экспериментлар ўтказилиши мумкин.


Симуляторлардан фойдаланиш жараёнида талабалар маъруза вақтида ўрганган назария ва билимларини виртуал бўлсада ҳётга тадбиқ қиласилар. Ушбу тадқиқотлар жараёнида билимларини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда назария ҳамда ҳётий тадбиқотларнинг ривожланишига бевосита хисса қўшадилар. Бундан ташқари ўша симуляторларнинг ҳам янада ривожланишига, янада ҳақиқий ҳётий тадқиқотларга яқин натижалар берадиган даражага чиқаришда ўз хиссаларини қўшишлари мумкин. Бу ўз ўрнида талабаларни фақатгина “tinglovchi” вазифасида қолмасдан, бевосита илмий-тадқиқот ишларида қатнашувчиларга айлантиради. Бу эса ўз навбатида талабаларда ўқиш ва тадқиқотларга бўлган қизиқишларини янада ортишига олиб келади.

Ҳозирги фан-техниканинг катта суръатларда ривожланиши реал-ҳётий тадқиқот ускуналарини ушбу ривожланиш билан бир қаторда кетишида қийинчилик туғдиради. Симуляторларда эса бундай тўсиқлар мавжуд эмас ва хатто ушбу “виртуал тадқиқотхоналар” фан-техника ривожланиш тезлигига қўшимча тезлик қўшади.

Албатта ҳар соҳада бўлгани каби симуляторлардан фойдаланишга нисбатан ҳам қарши фикрлар мавжуд. Улардан энг биринчиси симуляторларнинг ҳақиқий обьект ва жараёнларни тўла-тўқис ифода эта олмасликларидир. Бу симуляторлар ёрдамида олинган натижалар билан ҳаётий тажрибалардан ҳосил бўлган натижалар ўртасида тафовутлар пайдо бўлишига олиб келади. Баъзи симуляторлар эса ўйин шаклида ясалган, масалан, учувчилик симуляторлари¹. Улар фойдаланувчиларда доимий ишқибозлик² келиб чиқишига олиб келади ва натижада тадқиқотдан кўра кўпроқ ўйин тарафи босиб кетади.

Шунга қарамасдан юкорида кўрсатилган симуляторлардан фойдаланишнинг салбий томонлари ижобий томонларига нисбатан анча кучсиз ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Шунинг учун улар симуляторлардан фойдаланишнинг қандайдир маънода чекланишига асосий сабаб бўла олмайди.

Физика фанининг анъанавий ўқитиш схемаси қўйидаги расмда келтирилган:




1-расм. Физика фанининг анъанавий ўқитиш схемаси.

Бу анъанавий услубда ўқувчи (талаба) назарий материаларни ўрганиб чиқиб, ўрганган билимини мустаҳкамлаш учун масала ечади ва лаборатория ишларини бажаради. Бунда ўқувчи назарий ва амалий билимга эга бўлади. Бу анъанавий услубда физика фанинни ўрганиш албатта ўз самарасини беради. Лекин физика фани мисолида бир жараённи келтириб ўтаман. Кўпгина физикавий масалаларни ечишда ўқувчи (талаба) масаладан келиб чиқсан ҳолатда физика қонуниятларининг математик формуласини ёзди ва ҳосил бўлган тенгламалар системасидан масала шартида сўралаётган физик катталикни келтириб чиқаради, керак бўлса, таҳлил қиласи. Мана шу билан масала ечиш жараёни тугайди. Лекин ўқувчи шу ишлаган масаласини тажрибада текшириб кўриш имкониятига эга бўлмайди.

Ҳақиқатдан ҳам, горизонтга бурчак остида отилган жисмнинг маълум бир вактдан кейин вазияти қандай бўлиши (қаршилик кучини эътиборга

олган ҳолда) ёки бир неча пружиналарга осилган жисмлар тизимининг ҳаракат траекторияси қандай бўлишини тасаввур этишимиз қийин бўлади.

Биз таклиф этажтган ноанъанавий ўқитиш услуби юқорида келтирилган муаммони ҳал қилишга ёрдам беради (2-расм).



2-расм. Физика фанининг ноанъанавий ўқитиш схемаси.

Биз таклиф қилаётган схемада «Компьютерда моделлаштириш» машғулоти ва “Виртуал лаборатория” ишлари билан тўлдирилса, юқорида келтирилган камчиликлар бартараф этилади. Бу талабадан ўрганилаётган муаммонинг моҳиятини чуқур хис қилишни ва физик жараённинг моҳиятини чуқур тушунишга ёрдам беради. Бундай машғулотларни ташкиллаштириш учун таълим тизимида инқилобий ўзгаришга олиб келган Crocodile Clips Ltd томонидан яратилган дастурий таъминотлардан фойдаланишни тавсия қиласман. Келинг, энди шу дастурий таъминотлар билан танишиб чиқсан.

Симуляторлар.


Crocodile Physics дастури хақида.

Crocodile Physics дастури кучли симулятор бўлиб, физик жараёнларни моделлаштириш ва Физиканинг Механика, Электр занжирлар, Оптика ва Тўлқин ҳодисалари бўлимларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини берувчи дастурдир. Бу дастурдан дарсларда Интерактив доска орқали машғулотларни ташкил этиш мумкин, шунингдек мустақил иш сифатида шахсий компьютерда ишлатиш мумкин. Бу кучли дастур физик ҳодисаларни қузатиш, тажрибалар ўтказиш ва турли мураккаблик даражасидаги жараёнларни моделлаштириш имкониятини беради.


Ушбу дастур Crocodile Clips Ltd томонида 1994 йилдан бери такомиллаштирилиб келинмоқда. Дастурдан масала ечишда, виртуал лаборатория ишларини ва намойиш тажрибаларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланса бўлади. Бу дастур таълим тизимида тўғри маънода инқилобий

ўзгаришларга олиб келди. Ҳозирги кунда дастурдан 35 тадан ортиқ ривожланган давлат таълим муассасаларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Дастур физиканинг барча бўлимлари билан ишлаш, жараёнларни чуқур ўрганиш имкониятини яратади.




3-расм. Crocodile Physics дастур мухитининг ишчи столи



4-расм. Crocodile Physics дастур мухитида яратилган модел.

1-расмда силжишнинг вақт бўйича ўзгаришининг чизма модели, шунингдек пружинали маятник тебранишини сув сиртида ҳосил бўладиган тебранишлар билан ўхшашлиги келтирилган.


**Diffraction**

5-Расм. Радио тўлқиннинг бирор бир тусикдан ўтишида кузатиладигандифракция жараёни келтирилган.


Ушбу дастур Crocodile Clips Ltd томонидан 1994 йилдан бери такомиллаштирилиб келинмоқда. Даствурдан масала ечишда, виртуал лаборатория ишларини ва намойиш тажрибаларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланса бўлади. Ҳозирги кунда даствурдан 35 тадан ортиқ ривожланган давлат таълим муассасаларида кенг фойдаланиб келинмоқда.



6-Расм. Доплер эффектига оид яратилган модель.



7-расм. RC электр занжирида кучланшнинг вақтга боғлиқлик чизмаси




8-расм. Импульснинг сақланиш қонунини текшириш бўйича яратилган модел

Дастурнинг ўзига хос хусусиятлари[3]: Физик ҳодисаларни намойиш этувчи оптимал дастур, 50 дан ортиқ қадамма - қадам ўргатувчи дарслар, 150 дан ортиқ физиканинг бўлимларига оид тайёр моделлар, физик жараёнларни компьютерда моделаштириш имконияти, мустақил моделлаштириш имкониятини берувчи содда интерфейс, Ер шароитида ўtkазиш қийин бўлган тажрибаларни амалга ошириш ва кузатиш, дастурнинг кучли инструментарияси, тажрибада қатнашаётган физик катталикларнинг қийматини жуда яхши аниқлик билан ҳисоблаш имкониятини беради, физик ҳодисада қатнашаётган физик катталик билан бошқа физик катталиклар ўртасидаги графикили боғланишни ҳосил қилиш, яратилган моделларни сақлаш ва қофозга чоп этиш мумкин. Crocodile Physics дастурининг бундай имкониятлари физика фанини ўқитишда инқилобий ўзгаришга сабаб бўлди.


Crocodile Technology дастурий ҳақида

Бу дастур ўрта мактаб ўқувчи ва ўқитувчилар, лицей, коллеж талабалари учун физика фаннини «Электр» қисмини чукурроқ ўзлаштиришда ҳозирги замон ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, Crocodile Technology дастуридан электротехника, электр занжирлар назариясини ўрганиш курсларида ҳам фойдаланиш мумкин.



9-расм.

Дастур электрон конструктор бўлиб, у монитор экранидаги электр схемаларини йиғиш жараёнини худди ҳақиқий тажрибадаги сингари имитация қилиш, электр катталикларни мультиметрда (3 ўлчовли), амперметр ва вольтметрларда ўлчаш имкониятини беради.



10-расм.

Масалан, дастурда:

Микропроцессорларни дастурлаш ва робототехникага оид моделларнинг 3D кўринишида симуляциялаштириш мумкин.

- Конструктор деталларининг тасвири ва ўлчов асбобларининг схематик ва ҳақиқий кўринишида берилган;

- Қаршиликдан оқиб ўтаётган ток кувватининг қиймати берилган номиналдан ортиб кетса, қаршилик (портлаб) куяди, бу эса экранда унинг ранги ўзгариб қорайган деталь кўринишига ўтиши билан кўрсатилади;
- Лампочка ва электр иситгич асбоблари қувватнинг номинал қийматида ёрқинлашади, агар улардаги қувват ишчи қийматидан ортиб кетса куяди ва бу асбоб экранда қорайиб қолади. Худди шунингдек экранда бошқа деталлардаги физикавий катталикларнинг ўзгариши имитация қилинади;
- Кўпгина жараёнлар ва уларнинг натижалари товушли эфектлар орқали ифодаланади. Буларнинг барчаси, талаба ўзи йўл қўйган хатоларини кўриши, муваффақиятсиз бажарилган тажрибанинг сабабларини аниқлашни ўрганиши ва электр схемаларини тажрибани ҳақиқий қурилмаларда бажаришдан олдин таҳлил қилиш кўниқмаларини ҳосил қилиш имконини беради.

Бу дастур, касби ким бўлишидан қатъи назар фойдаланувчини изланувчанликка, ижодий фикр юритишга, иш натижаларини таҳлил қилишга ўргатади.


Дастур имкониятлари жуда кенг бўлиб, ундан амалий машғулотларда (яъни масалалар ечишда) айниқса, виртуал лаборатория ишларини бажаришда кенг фойдаланиш мумкин.

Crocodile Chemistry дастури ҳақида.

Crocodile Chemistry дастури орқали Менделеев жадвалида мавжуд барча элементларнинг кимёвий ва физикавий хусусиятларини ўрганиш мумкин. Одатда кимёвий реакциялар руй бериш вақтида реакцияга қатнашаётган молекулаларнинг бошқа молекулага айланиш жараёнини (молекуляр даражада) кузатиш иложи йўқ. Лекин, бу дастур орқали кимёвий моддани бошқа моддалар билан реакцияга киришиш жараёнида молекулаларнинг динамикасини кузатиш мумкин бўлади.


Бу дастур орқали кимёвий жараёнларни моделлаштириш, турли реакцияларни ўтказиш ва, энг асосийси, буни хавфсиз амалга ошириш мумкин.

Бу дастурдан ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида кимё фанини ўқитишида кенг фойдаланиш мумкин.




11-расм.

Дастур орқали ихтиёрий шаклдаги идишлардан фойдаланиб, турли реактивларни ўзаро аралаштириб кимёвий реакцияни кўзатиш мумкин. Кимёвий реакция вақтида реактивларнинг ранги, моддалар улушкини, кимёвий реакция формулаларни маҳсус ойнада кўриш имконияти дастурнинг кучли педагогик қурол сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Crocodile Chemistry дастурининг бундай имкониятлари кимё фанини ўқитишида инқилобий ўзгаришга сабаб бўлди.



12-расм. Crocodile Chemistry дастур муҳитида яратилган кимёвий реакция жараёни.



13-расм.


Crocodile ICT дастури ҳақида.

Crocodile ICT дастури, Европа мамлакатларида Информатика фанини ўқитишида жуда яхши самара бермоқда. Бу дастур ёрдамида информатикада дастурлаш жараёнини, аникроқ қилиб айтганда алгоритмлаш бўлимини ўқувчига аникроқ етказиб бериш мумкин.



14-расм.

Объектга йўналтирилган дастурлашни ўқитишида жуда қўл келадиган Crocodile ICT нинг оддий интерфейси ва блок схемалари ёрдамида яратилаётган дастур орқали ҳар бир буйруқни анимация кўринишида тасвирлаш мумкин.



15-расм.


Бундан ташқари, блок схемаларда бирор бир шарт бажарилганды одам персонажларига 30 дан ортиқ ҳаракат турларини (салта олиш, қарсак чалиш, ўнгга ёки чапга ҳаракатланиши, уларнинг юзларида эмоционал ўзгаришларни, маълум бир сўзларни гапиришлари ва ҳаказо) бажартириш мумкин. Дастурнинг бундай имконияти ўқувчининг (талабанинг) дарсдан зерикишининг, эътибори пасайишининг олдини олади. Бу эса маълум маънода таълим самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Yenka Electricity and Magnetism симулятор дастури

Yenka Electricity and Magnetism дастури симулятор бўлиб, физикавий жараёнларни моделлаштириш ва физиканинг электродинамика ва магнетизм бўлимларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини берувчи дастурдир. Улардан ташқари қўйида кўрсатилган дастурий пакетлар ҳам мавжуд:


- **Electronics**
- **PCB design**
- **PIC programming**
- **Mechanisms**
- **Light and Sound**
- **Force and Motion**
- **Inorganic & physical chemistry**

Бу дастурлардан машғулотларда интерфаол электрон доскадан (Whitboard) ва график планшет (Wacom) дан фойдаланиш мумкин. Бу кучли дастур физикавий ходисаларни 3D кўринишда кузатиш, тажрибалар ўтказиши ва турли мураккаблик даражасидаги жараёнларни моделлаштириш имкониятини беради.



16-Расм. Индукция ва трансформаторнинг ишлаш жараёнини акс эттирган моделлар.

Yenka Electricity and Magnetism дастури физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш, тажрибада қатнашаётган физик катталикларнинг қийматини жуда яхши аниқлик билан ҳисоблаш имкониятини беради, физиковий ҳодисада қатнашаётган физик катталик билан бошқа физик катталиклар ўртасидаги графикили боғланишни ҳосил қилиш, яратилган моделларни сақлаш ва қоғозга чоп этиш мумкин.




17 - Расм. Yenka Electricity and Magnetism дастур муҳитида яратилган шамол генераторининг ишлаш принципини тушунтирувчи (моделлаштирувчи) модел.

Phun physics дастури

Phun physics дастури Швеция шаҳридаги Умео Университетининг ҳисоблаш фанлари кафедрасида Эмил Эрнерфильдом томонидан яратилган. Дастур орқали физикани 2 ўлчовда (2D) “жонлантириш” имкониятини беради. Дастур орқали физиковий жараёнларни моделлаштириш ва ҳар хил физиковий жараёнларни қузатиш мумкин.

Оддий ҳаракатлар орқали дастур муҳитида ҳаракатлана оладиган автоуловни яратиш мумкин, бунинг учун автоуловнинг корпуси

конструкциясини чизган ҳолда автоуловга “моторча” қўйиб, “Play” тугмасини босиш ва ўзингиз яратган автоуловнинг ҳаракатини кузатиш мумкин бўлади



18 - Рasm. Phun physics дастурида Физиканинг механика бўлимига оид яратилган дастурлар интерфейси

“Beginnings of Electronics” дастури

Дастур электрон конструктор бўлиб, у монитор экранидаги электр схемаларини йиғиш жараёнини имитация қилиш имкониятини беради.

Комплекснинг асосий хусусиятларидан бири, унда реал физиковий жараёнларни жуда катта аниқликда имитация қилиш мумкин. Дастур имкониятлари жуда кенг бўлиб, ундан амалий машғулотларда (яъни масалалар ечишда) ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса виртуал лаборатория ишларини бажаришда бу дастурдан ижодий фойдаланиш мумкин.



19 - расм. “Beginnings of Electronics” дастурининг интерфейси

РНЕТ дастур пакети




© 2009 University of Colorado. [Some rights reserved.](#)

20 - Расм. РНЕТ дастурининг умумий кўриниши.

Нобель мукофотининг лауреати, физик К. Виман томонидан «Physics Education Technology» (РНЕТ) сайти яратилган. РНЕТ сайтида ҳар хил мавзуларга оид моделлар мавжуд бўлиб, улар Java дастурида яратилган. РНЕТ сайтида тақдим этилаётган моделлар очиқ манбаъ (Open Source) сифатида, хоҳлаганча фойдаланиш мумкин.

РНЕТ даги моделлар сони 100 дан ортиқ бўлиб улар Физика, Математика, Кимё фанларига оид моделлаштириш дастурларидан иборатdir.

Бу дастур давлат таълим стандартларига ва ўқув муассасаларида кўлланилаётган адабиётларга мос келганлиги билан муҳим педагогик қурол хисобланади.



21- Расм. РНЕТ мухитида мавжуд бўлган модел. Моделда товушнинг ҳавода тарқалиш жараёни келтирилган.

Юқорида келтирилган дастурий таъминотлардан фойдаланиш ўзининг самарасини беради. Компьютер моделларини ўқув жараёнларида қўллаш тамойиллари қўйидагилар:


1. Компьютер дастури тажрибани ўтказиш мумкин бўлмаган ёки тажриба кузатиб бўлмас даражада ҳаракатланган пайтда қўллаш;
2. Ўрганилаётган детални аниқлаш ёки ечилаётган физикавий масалани иллюстрациялаш;
3. Лаборатория машғулотларини бажариш жараёнида мавжуд моделлар ёрдамида ҳодисаларни характерловчи катталикларнинг ҳам сифатий, ҳам микдорий боғланишларини кўра билиш;
4. Дастур ёрдамида мураккабликдаги топшириқлар устида иш олиб бориш, мустақил шуғулланиш

Шуни таъкидлаб ўтаманки, ҳозирда Crocodile компанияси дастурий таъминотларини Yenka номига ўтказиши. Бу ҳаракат 2008 йил декабрь ойида амалга ошди. Ҳозирда бу дастурлар Yenka номи билан чиқмоқда, лекин дастурларнинг ишлаши Crocodile дагидан фарқ қилмайди.

Хуш бу дастурларни қаердан қандай қилиб олиш мумкин, дерсиз? Бу дастурларни олиш жуда осон!

Бунинг учун сиз қўйидаги кўрсатмаларни бажаринг.

1. Интернет браузерга <http://www.yenka.com> сайтини теринг.



2. <http://www.yenka.com> сайти орқали Руйхатдан ўтинг
3. Рўйхатдан ўтганингиздан кейин ўқув муассасалари учун уй шароитида фойдаланиш бепул ҳисобланади. Бунда сиз учун маҳсус код берилади.
4. Сайтнинг Downloads бандидан (http://yenka.com/file/YK/3.0.1/Yenka_3_0_1_Setup.exe) 61 М ҳажмдаги дастурни компьютерингизга кўчириб олинг.
5. Руйхатдан ўтганингиздан кейин берилган кодни териб, дастурни ишга туширинг.

Хулоса қилиб шуни айтаманки, юқорида келтирилган дастурлардан фойдаланган ҳолда ўқиш жараёнини ташкиллаштирилса, ўқувчиларнинг

(талабаларнинг) фанга қизиқиш билан ёндошадилар, ҳеч кимга сир эмас ҳозир ёшларни табиий фанларга қизиктириш жуда қийин ҳисобланади. Юқорида тавсия қилаётган дастурлардан фойдаланган ҳолда ўкув жараёни ташкиллаштирилса, ўқувчилар (талабалар) физика, информатика ва кимё фанларини чукур ўрганишларига сабаб бўлади ва улар физика, кимё ва информатика фанларида “ухлаб” қолишмайди.

4-МАВЗУ. 3D БОРЛИҚДА ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ

(2 соат мустақил иш)

Режа:

- 1. Олий таълимда виртуал маконлар**
- 2. Виртуал 3D маконда ўқув жараёнини ташкиллаштириш истқболлари**
- 3. Vacademіa ва Second life виртуал маконларида ўқув жараёнини ташкиллаштириш**

(дидактик материаллар)

Виртуал маконларда ўқув жараёни, анаънавий ўқув жараёни ва 3D макондаги ўқув жараёнилари орасидаги фарқ, 3D борлиқда виртуал таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг муаммолари, 3D борлиқда виртуал таълим жараёнини ташкиллаштиришда виртуал лаборатория ишлари ва симуляторлардан фойдаланиш истикболнари. Vacademіa ва Second Life виртуал маконларида ўқув жараёнини ташкиллаштириш имкониятлари.

- Виртуал маконлар
- Виртуал маконлар (дастурый таъминотлари)
- Рақамли дунё (борлик)
- Электрон таълим
- Университет
- Виртуал дунёлар (маконлар)
- Олий таълимда виртуал маконлар
- vAcademіa
- vAcademіa – Виртуал таълим макони
- Ўқув жараёни учун ишлатиладиган инструментлар
- Харита
- Ўзинингнинг виртуал маконизда жой танлаш
- Ўқувчи-талабаларни ўқув курсингизга таклиф этиш
- Доска
- Объектларни киритиш
- Ўқув машғлотини ёзиш
- Таълим жараёнида ўйин элементларидан фойдаланиш(моделлаштириш)
- Виртуал лаборатория ишлари
- Виртуал маконда ўқув жараёни
- Виртуал маконда ўқув жараёни
- Rationale: Second Life маконида ўқув курслар
- 3D маконлар
- vAcademіa ўқув жараёни
- vAcademіa сайти
- vacademіa.com
- Ўқув контент яратиш ойнаси
- 3D ёзиб олинган машғулотлар тизими билан Интеграциялаштириш имконияти
- Виртуал хизмат кўрсатиш
- Виртуал комиссияси
- Тайёрлов курслари

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Савол 1.

LMS тизимлари учун электрон таълим ресурсларини қандай стандарт асосида яратиш тавсия этилади?

- A) SCORM
- B) SCR
- C) SCOM

Савол 2.

Мосликни топинг

Масофавий ўқитиши	энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиши воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир
Масофавий ўқиши	бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизими. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишини талаб қилувчи тизими. Бунда ўқиши жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас
Масофавий таълим	масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи маҳсус ахборот мухит ёрдамида, ахолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуаидир
Масофавий ўқитиши тизими	масофавий ўқитиши шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиши тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиши тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усувлари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга

Савол 3.

Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнида қўллаш неча хил кўринища амалга ошириш мумкин?

- A) икки хил кўринища
- B) уч хил кўринища
- C) турт хил кўринища
- D) беш хил кўринища

Савол 4.

Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнида қўллаш шартларини белгиланг. (Эътибор қилинг бир нечта тўғри жавоб бўлиши мумкин!).

- A) техник жихозлар бўлиш шарти
- B) маҳсус дастурий таъминотлар билан таъминланганлик шарти
- C) Мобил алоқа тизимларининг яхши йўлга қўйилган бўлиш шарти
- D) 4G технологиясининг ривожланган бўлиш шарти

Савол 5.

Сўнгги йилларда Ғарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интеранет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим тури қандай атама билан кириб келди?

- A) Elearning
- B) Authoring tools
- C) Learning
- D) Mlearning

Савол 6.

Муаллифлик дастурий маҳсулотлари қандай номланади?

- A) Authoring tools
- B) LMS
- C) CMS

Савол 7.

Электрон ўкув ресурсларини яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий таъминотлар туркуми қандай номланади?

- A) Authoring tools
- B) Learning Management Systems
- C) Content Management Systems

Савол 8.

Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлари қандай номланади?

- A) Authoring tools
- B) Learning Management Systems
- C) Content Management Systems

Савол 9.

Динамик сайтлар яратиш имкониятини берувчи тизимлари қандай номланади?

- A) Authoring tools
- B) Learning Management Systems
- C) Content Management Systems

Савол 10.

Электрон ўқув ресурсларини яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий таъминотлар туркумiga кирувчи дастурларни тангланг. (Эътибор қилинг бир нечта тўғри жавоб бўлиши мумкин!)

- A) Articulate
- B) Adobe Captivate
- C) Ispring
- Д) Atutor
- E] Moodle
- И] Wondershare

Савол 11.

Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар туркумiga кирувчи дастурларни тангланг. (Эътибор қилинг бир нечта тўғри жавоб бўлиши мумкин!)

- A) Articulate
- B) Adobe Captivate
- C) Ispring
- Д) Atutor
- E] Moodle
- И] Chamilo
- K] eFront

Савол 12.

Динамик сайтлар яратиш имкониятини берувчи тизимлар туркумига кирувчи дастурларни тангланг. (Эътибор қилинг бир нечта тўғри жавоб бўлиши мумкин!)

- A) Articulate
- B) Adobe Captivate
- C) Ispring
- Д) uCoz
- E] Joomla
- И] WordPress

Савол 13.

Ҳозирда мавжуд LMS тизимлар ичида таълим бозорида энг кўп фойдаланилаётган LMS тизимини кўрсатинг

- A) Blackboard
- B) Moodle
- C) Sakai

Савол 14.

LMS тизимларининг асосий функцияларини тангланг. (Эътибор қилинг бир нечта тўғри жавоб бўлиши мумкин!)

- A) ўқувчиларнинг(ўқитувчиларнинг, курс яратувчи педагогларни ва бошқа ролдагиларни) рўйихатга олиши
- B) ҳар-хил турдаги ижтимоий сўровлар ташкиллаштириш
- C) ўқувчиларнинг билим даражасини мониторинг қилиш
- Д) электрон ахборот ресурсларини (электрон кутубхоналар) ташкиллаштириш
- E) тизим фойдаланувчиларининг (ўқувчилар, ўқитувчилар(тьюторлар), курс яратувчи педагогларнинг) тизимга қачон, қанча вақт давомида ўқув контентлар билан танишганлигини аниқлаш

Савол 15.

Қайси LMS тизими W3C WCAG 1.0 стандартини тўлиқ қаноатлантиради?

Изоҳ: Айнан шу W3C WCAG 1.0 стандартига жавоб бера оладиган тизим бўлса, у ҳолда бундай тизим орқали қўзи ожиз талабалар маҳсус веб иловалар орқали шундай тизимга боғланган ҳолда ўқув контентдаги сўзларни аудио форматда утказган ҳолда тинглашлари мумкин.

- A) Atutor
- B) Claroline
- C) eFront

Савол 16.

Кўйида келтирилган LMS тизимлари ичida Clarolineнинг 1.4.2 версиясидан ажралиб чиққан ҳолда янги дастурий мажмуа сифатида шакланди?

- A) ILIAS
- B) OLAT
- C) Dokeos
- D) Moodle

Савол 17.

Матнга мос келган LMS тизимини танланг.

LAMS (**Moodle/eFront**) дастурий мажмуаси бошқа LMS лардан фарқи шундаки, ўқитувчиларга ўқув жараёнини структуралашда визуал воситалардан фойдаланиш имкониятини беради, бу воситалар ўқув жараёнида ўқув ресурсларини (электрон ўқув ресурсларни, чат, сўровномалар, топшириқлар) ва назорат турларини қандай кетма-кетлиқда бўлишилигини визуал қўринишини таъминлайди. Бунда ўқитувчи “синчқонча” орқали бу кетма-кетликларни ҳеч қандай қийинчиликсиз жойларини ўзгартириши мумкин бўлади.

Савол 18.

Бошқа LMS тизимларга қараганда энг қўп қўшимча плагин ва модуллари мавжуд бўлган дастурий мажмуа

- A) Moodle
- B) eFront
- C) Sakai
- D) Claroline

Савол 19.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг виртуал таълим мухити Moodle дастурий мажмуасида яратилган.

Виртуал таълим мухитининг Web манзилини кўрсатинг

- A) <http://etuit.uz>
- B) <http://moodle.uzedu.uz>
- C) <http://moodle.polito.uz>

Савол 20.

Ҳалқ таълим вазирлиги қошидаги “Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказы” Moodle дастурий мажмуасида яратилған.

Виртуал таълим муҳитининг Web манзилини күрсатинг

- A) http://etuit.uz
- B) http://moodle.uzedu.uz
- C) http://moodle.polito.uz

Савол 21.

Тошкент турин политехника университетининг виртуал таълим муҳити Moodle дастурий мажмуасида яратилған.

Виртуал таълим муҳитининг Web манзилини күрсатинг

- A) http://etuit.uz
- B) http://moodle.uzedu.uz
- C) http://moodle.polito.uz

Савол 22.

Тошкент Ахборот технологиялари университетида яратилған интеллектуал масоғавий таълим тизининг номини күрсатинг.

- A) Moodle.uz
- B) eStudy.uz
- C) Study.uz
- Д) eFront.uz

Савол 23.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг виртуал таълим муҳити қайси LMS дастурий мажмуасида яратилған.



Савол 24.

Расмда кўрсатилган қайси LMS тизими тўлиқ Java тилида ёзилган?

**Савол 25.**

3D муҳитида виртуал таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи серверни номи қандай аталади?

- A) ILIAS
- B) <http://OLAT.com/>
- C) <http://vacademia.com/>
- D) Moodle

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Масофавий ўқитишининг назарий ва дидактик асослари.
2. Масофавий ўқитишининг ҳозирги кундаги аҳволи ва муаммолари.
3. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари
4. Масофавий курслар яратишнинг концептуал асослари
5. Масофавий ўқитиши тизими учун электрон таълим ресурсларини яратиш технологияси
6. Очиқ таълим тушунчаси.
7. Электрон таълим тушунчаси
8. Ҳозирги вақтда масофавий ўқитиши тизимининг замонавий ҳолати.
9. Масофавий таълим жараёнини яратиш босқичлари.
10. Масофавий ўқитиши ташкил этиш варианtlарини таҳлили
11. Coursera очиқ таълими таҳлили
12. Масофавий ўқитиши моделлари
13. Масофавий таълимнинг анъанавий таълимдан устунлик томонлари
14. Масофавий ўқитиши ташкил қилиш ва юритиш муаммолари
15. Масофавий таълимда қўлланиладиган технологиялар ва уларнинг тавсифлари
16. Масофавий таълимнинг асосий дидактик тамойиллари
17. Масофавий ўқитишига мўлжалланган ўқув материалларини яратишнинг ўзига хос хусусиятлари

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Масофавий ўқитиш тизимида мултъмедиа материалларини SCORM стандартида яратишда IspringPro пакетидан фойдаланиш.
2. Mobile Learning
3. Виртуал 3D университет мухитида ўқув жараёнини ташкиллаштириш
4. 3D виртуал таълим мухитининг ўзига хос хусусиятлари (vacademia.com мисолида)
5. 3D виртуал таълим мухитининг ўзига хос хусусиятлари (Second life мисолида)
6. Khan Academy очик университетининг таҳлили
7. eStudy.uz масофавий таълим тизимининг хусусиятлари ва имкониятлари
8. my.estudy.uz масофавий таълим тизимининг хусусиятлари ва имкониятлари
9. Coursera очик таълими таҳлили
10. Масофавий ўқитиш моделлари
11. Масофавий таълимнинг анъанавий таълимдан устунлик томонлари
12. Масофавий ўқитишни ташкил қилиш ва юритиш муаммолари
13. Масофавий таълимда қўлланиладиган технологиялар ва уларнинг тавсифлари
14. Масофавий таълимнинг асосий дидактик тамоиллари
15. Масофавий ўқитишга мўлжалланган ўқув материалларини яратишнинг ўзига хос хусусиятлари
16. Таълим муассасасининг ахборотлашган мухитини яратиш
17. Масофавий ўқитиша қўлланиладиган техник восита ва технологиялар
18. Масофавий таълимда қўлланиладиган дастурний воситалар
19. Масофавий таълимда маълумотлар ва билимлар базаси
20. SCORM ва Tin Can стандартларининг ўзига хос хусусиятлари
21. Масофавий таълимда мультимедиали ва интерактив тестлар яратиш технологияси.
22. Масофавий таълим жараёнини ташкилаштирувчи платформалар. Ўқишини Бошқарув Тизими(ЎБТ) (LMS) таҳлили. (ATutor, Claroline, Dokeos, LAMS, Moodle, OLAT, OpenACS, Sakai)
23. Claroline ва Moodle тизимларини Apache web-серверида урнатиш.
24. Масофавий таълим жараёнини Claroline тизимида ташкиллаштириш. Claroline тизимида ишлаш.
25. Масофавий таълим платформаси учун мультмедиали ўқув курсларни яратувчи конструкторлар таҳлили
26. iSpring пакетида мултъмедиали маърузалар ва назорат қилувчи тизимлар (тестлар) яратиш
27. Ўқишини Бошқарув Тизимлари(ЎБТ) (LMS) таҳлили
28. ATutor , OLAT ва Sakai тизимларининг ўзига хос хусусиятлари
29. Joomla тизимида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш
30. Педагогик дастурний воситалар ва улардан масофавий таълимда фойдаланиш
31. Camtasia Studio дастур мухитида яратилган мультмедиа иловаларни таълим жараёни бошқарувчи (LMS) тизимлар билан мослашувчанлиги
32. Lectora дастур мухитида яратилган мультмедиа иловаларни таълим жараёни

бошқарувчи (LMS) тизимлар билан мослашувчанлиги
33. Масофавий таълимда Adobe Captivare дастурининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари
34. Масофавий таълимда Learning Content Development System дастурининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари
35. Масофавий таълимда Articulate Storyline дастурининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари
36. Масофавий Articulate Presenter '13 дастурининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари
37. Масофавий таълимда Raptivity дастурининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари
38. Педагогик дастурий воситалар асосида электрон таълим ресурсларини яратиш
39. Ахборот комуникация технологиялари асосида талабаларни интернет мухитида мустакил ишлашини ташкил қилиш
40. Web 2 сервслари орқали ўкув жараёнини ташкиллаштириш.
41. Ўкув жараёнини ижтимоий тармоқ тизимларидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштиришиш (edmodo мисолида)
42. Мультимедиали электрон дарсликлар асосида талабаларни мустакил таълим олиш жараёнини ташкил этиш
43. Масофавий таълимда виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш
44. Масофавий таълимда виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш (Crocodile Chemistry дастури мисолида)
45. Масофавий таълимда виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш (Crocodile Physics дастури мисолида)
46. Масофавий таълимда виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш (Crocodile ICT дастури мисолида)
47. Масофавий таълимда виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш (Yenka дастури мисолида)
48. Ўқиши Башқарув Тизимларида(ЎБТ) LMS, (ATutor, Claroline, Dokeos, LAMS, Moodle, OLAT, OpenACS, Sakai ва бошқа тизимларда) масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш (бирор бир фан буйича)
49. Масофавий таълимда ишлатиладиган педагогик дастурий воситалар
50. Moodle LMS тизимини масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришда фойдаланиш.
51. Atutor Масофавий таълим тизимида ўкув жараёнини ташкиллаштириш

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Масофавий ўқитишининг технологияларини турлари, уларнинг ютуқлари ва камчиликлари.
2. Очиқ ва бепул LMS тизимлар таҳлили.
3. SCORM ва Tin Can стандартлари.
4. Масофавий курслар яратишининг концептуал асослари.
5. Масофавий ўқитиш тизими учун электрон таълим ресурсларини яратиш технологияси.
6. Очиқ таълим тушунчаси. Ҳозирги вактда масофавий ўқитиш тизимининг замонавий ҳолати.
7. Масофавий таълим жараёнини яратиш босқичлари.
8. Масофавий ўқитишни ташкил этиш варианtlарини таҳлили.
9. Coursera очиқ таълими таҳлили.
10. Масофавий ўқитиш моделлари.
11. Масофавий таълимнинг анъанавий таълимдан устунлик томонлари.
12. Масофавий ўқитишни ташкил қилиш ва юритиш муаммолари.
13. Масофавий таълимда қўлланиладиган технологиялар ва уларнинг тавсифлари.
14. Масофавий таълимнинг асосий дидактик тамойиллари.
15. Масофавий ўқитишга мўлжалланган ўқув материалларини яратишининг ўзига хос хусусиятлари.
16. Таълим муассасасининг ахборотлашган муҳитини яратиш.
17. Масофавий ўқитишида қўлланиладиган техник восита ва технологиялар.
18. Масофавий таълим жараёнини Claroline тизимида ташкиллаштириш. Claroline тизимида ишлаш.
19. Масофавий таълим платформаси учун мультмедиали ўқув курсларни яратувчи конструкторлар таҳлили.

ГЛОССАРИЙ

LMS (Learning Management Systems)-Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизим.

CMS (Content Management Systems)- Ички контентни бошқарув тизимлари

Браузер – интернет билан ишлашни таъминлайдиган дастур.

IP (Internet protocol) манзили – компьютернинг интернет тармоғидаги манзили.

On-line машғулот – барча қатнашувчи (талабалар ва ўқитувчи)лар интернет орқали ахборот алмашиниш йўли билан ўзаро алоқа қиласидиган ўқув машғулоти кўриниши.

On-line муҳокама – электрон доскаларда бирор мавзуни айни вақтдаги муҳокамаси.

On-line ўқиш – интернет технологияларига асосланган таълим муҳитидан фойдаланиб ўқув материалларини ўрганиш жараёнини ташкил этиш усули.

Администратор – электрон ахборот-таълим ресурсларини мослаштириш ва бошқариш учун кенг ҳуқуқларга эга бўлган мутахассис.

Анимация – динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга имконият берадиган график ахборотларни ташкил этиш усули.

Аудиоанжуман – тармоқ технологияси тизими ва телефондан фойдаланган ҳолда турли географик нуқталарда жойлашган бир қанча шахсларнинг маълумотларни овозли – рақамли кўринишида алмашиниш жараёни.

Ахборот – (лат. **Informatio** – тушунтириш, баён қилиш) – шартли белгилар ёрдамида шахслар, предметлар, далиллар, воеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида, уларни тасвирлаш шаклидан қатъий назар узатиладиган ва сақланадиган маълумотлар.

Видеоанжуман – турли географик манзиллардаги фойдаланувчи гурухлари орасида рақамли видеоёзув ёки оқимли видео кўринишида маълумотларни алмашиниш асосида йиғилиш ва мунозаралар ўтказиш жараёни.

Виртуал лаборатория – ўрганилаётган ҳақиқий обьектларда бўлаётган жараёнларни компьютер имитацияси орқали тақдим этиш ва масофавий кириш имкониятига эга бўлган дастурий мажмуа.

Виртуал аудитория – ўқув жараёнининг ўқитувчиси ва бошқарувчисининг маслаҳатини олиш учун тармоқ технологияси ёрдамида турли географик жойларда яшаётган талабаларни бирлаштириш.

Виртуал ҳақиқийлик – ўрганишга мўлжалланган мураккаб жараёнларда бўладиган ҳодисаларни аудиовидео тизими орқали ўқувчи тассавуридаги мавхум кўриниши.

Гиперматн – ассоциатив боғланган блоклар кўринишида тақдим этилган (бошқа матнли ҳужжатларга йўл кўрсатувчи) матн.

Гиперматнли тизим – электрон хужжатлар кутубхонасини яратишни таъминлайдиган восита.

Гипермедиа – матндан ташқари мультимедиа имкониятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган маълумотларга йўл кўрсатувчи хужжатлар.

Гипермурожаат – тагига чизилган ёки қандайдир бошқа усулда ажратиб кўрсатилган сўз ёки жумла бўлиб, гиперматнли тизимнинг бошқа блок, хужжат, гипермуҳит саҳифаси, гиперматнини кўрсатиш имкониятини беради.

Гипермуҳит – бир-бири билан ассоциатив боғланган нисбатан катта бўлмаган блоклар кўринишидаги ахборотнинг ихтиёрий кўринишини тақдим этган технология.

Глобал тармоқ – минтақавий (қитъалардаги) компьютерларни ўзида бирлаштириш имконига эга бўлган тармоқ.

График мухаррир – тасвирларни таҳрир қилишни таъминлайдиган амалий дастур.

